

Д. Р. БАБАЕВА

НУТҚ ҰСТИРИШ МЕТОДИКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БАБАЕВА ДОНО РАЗЗОҚОВНА

НУТҚ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ

(ТЕВАРАК-АТРОФНИ ЎРГАНИШ
МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида
тавсия этилган*

Тошкент — 2009

Д.Р.Бабаева. Нутқ ўстириш методикаси. (Ўқув қўлланма). Т.: «Fan va texnologiya», 2009, 128 бет.

Мазкур ўқув қўлланма педагогика олий ўқув юртларининг магистрантларига, талабаларига ва академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг услубчилари ва тарбиячиларига бағишланган. Қўлланмада мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқини ривожлантиришнинг йўналишлари, шакллари, воситалари ва методлари ёритилган.

* * *

Данное учебное пособие предназначено магистрам и студентам педагогических ВУЗов, лицейв и профессиональных колледжей, методистам и воспитателям учреждений дошкольного возраста. В учебном пособии излагаются направления, формы, средства и методы развития речи детей дошкольного возраста.

* * *

This text-book is intended for students and masters of pedagogical higher educational colleges and Methodists and educators of pre-school institutions. It is elucidated the ways, forms, means and methods of development of the pre-school children speech.

Қўлланма ҳақидаги танқидий фикр-мулоҳазаларингизни муаллиф бажонудил қабул қилади ва Сизларга аввалдан миннатдорчилик билдиради.

Тақризчилар: М.М.ҒУЛҶОМОВ — профессор;
Р.М.ҚОДИРОВА — доцент.

ISBN 978-9943-10-244-6

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009.

К И Р И Ш

✓ Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши туфайли барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар узлуксиз таълим тизимига ҳам тегишли бўлиб, мактабгача таълим зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Зеро, «Таълим тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек: «Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди». Ёш авлод шахсини шакллантириш вазифасини эса мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик методларини яратиб, амалиётга жорий этмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Республикада мактабгача таълим аλλαқачон давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис таълим тизимининг илк бўғинига доир ҳар қандай муаммо давлат миқёсида ҳал қилинмоқда. Жумладан, мактабгача таълим тизими тарбиячилари бугунги кунда болаларни мактабга тайёрлашнинг базавий дастури ҳамда тажриба-синов жараёнида юқори баҳоланган ўқув-методик материалларга эга. Мазкур дастурда болаларни жисмоний ривожлантириш, нутқ ва тафаккурини шакллантириш, теварак-атроф билан таништириш каби турли масалалар қамраб олинган.

Шуниси диққатга сазоворки, М.Ш.Расулова, Н.У.Бикбоева, А.Г.Григорьянц, Р.М.Қодирова,

Ф.Р.Қодирова, Г.Х.Жумашева, С.Ғозиева каби бир гуруҳ олимлар томонидан базавий умумтаълим дастуридан самарали фойдаланиш юзасидан методик тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган. Лекин бу тавсия уларнинг ҳеч бирида мактабгача катта ёшдаги болаларни теварак-атроф билан таништириш жараёнида нутқ ўстириш муаммоси махсус ўрганилмаган.

Маълумки, болаларни мактабга тайёрлашда она тили муҳим ўрин тутади. Она тилини ўрганиш нарса ва ҳодисаларни идрок этиш, ўзини қизиқтирган масалалар тўғрисида фикр юритиш, ўйлаш, нутқ ўстиришни ривожлантиришга ёрдам беради. Товуш ва сўзни тўғри талаффуз этиш бола шахсининг шаклланишида катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Шу сабабдан она тилини ўрганишга оид машғулотлар жараёнида мактабгача ёшдаги болалар (5-6 ёш) нутқини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоғи лозим.

Ҳозирги замон талабларига мувофиқ мактабгача катта ёшдаги болалар адабий талаффуз меъёрларига биноан фаол ўз луғатидаги барча товуш ва сўзларни аниқ ва тиниқ талаффуз этиб, урғуларнинг тўғрилигига риоя қилмоғи лозим. Тадқиқотчилар ва болалар боғчалари тарбиячиларининг фикрларига кўра, мактабгача катта ёшдаги болаларда нутқ шаклланишининг энг қулай шарт-шароитларини аниқлаш мураккаб вазифалардан ҳисобланади.

Айни муаммо юзасидан В.С.Мухина, О.И.Соловьева, Л.П.Федоренко, Г.Х.Жумашева, Р.М.Қодирова, Ў.Рўзиева, Ф.Р.Қодирова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Ўрта ва кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш

масалалари эса Ф.И.Фрадкина, Н.М.Аскарина-ларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Ҳозирги пайтда бошланғич синфларда таълим мазмуни, технологияси ҳамда воситаларини тубдан такомиллаштириш жараёни кечмоқда. Унинг қай даражада самара бериши, аввало, мактабгача тарбия ёшидаги катта болалар нутқини ўстиришга боғлиқ.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар ва давлат тили тўғрисидаги қонун болалар нутқини шакллантириш, хусусан, мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстириш методикаси ва амалиётида ўзгаришлар бўлишини тақозо этади.

Бу ўзгаришлар меъёрий ўқув-методик адабиётларда муайян даражада ўз аксини топган. Лекин уларга ҳозирги талаблар нуқтаи назаридан танқидий ёндашмоқ талаб этилади.

Масалан, тадқиқотчи В.С.Мухина мактабгача катта ёшдаги болаларни сўз маъносига, сўзлар билан англантиладиган борлиққа йўллаш, уларда сўзнинг аҳамиятидан қатъи назар, товуш шаклига катта қизиқиш уйғотиш, О.И.Соловьева эса болаларни сўзлашув нутқи ва ҳикоя қилишга ўргатишга оид эътиборли кузатишларини баён қилиш билан бирга, ҳозирги даврга нисбатан эскирган ғояларни ҳам илгари сурадиларки, бу ҳол улар қаламига мансуб адабиётлардан фойдаланишда эҳтиёт бўлишни талаб этади.

Ҳозирги пайтда мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга янада юқорироқ талаблар қўйилмоқда. Бу талабларга жавоб бериш нутқини ривожлантиришга оид янги изланишларни тақозо этади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар шахсини шакллантириш, нутқини ривожлантириш борасида йўл

қўйилаётган камчиликлар бу соҳада ҳали-ҳануз эски мезонлар асосида иш кўрилаётгани, илмий-методик адабиётларнинг етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади. Бинобарин, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни ўрганишда нутқини ривожлантиришга оид назарий методик муаммолар ҳозиргача ўз ечимини топган эмас.

Жумладан, мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстириш жараёнида билишлари лозим бўлган теварак-атрофга асосланган манбаларни таъминловчи объектив ва субъектив омиллар аниқланмаган; мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг жаҳон стандартлари талаб ва қоидаларига тўла даражада жавоб берадиган мақбул шакл ҳамда методлари топилган эмас. Шу ҳолат назарда тутилса, мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстириш самарадорлигини ошириш бўйича тарбиячилар томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар нима учун кутилган натижаларни бермаётганлиги аниқ бўлиб қолади.

Шундай қилиб, педагогика илмининг ҳозирги босқичида мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга нисбатан қўйиладиган талаблар билан ушбу талаблар ижроси ўртасида зиддиятлар намоён бўлмоқда.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, биз мазкур китобда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни ўрганиш жараёнида нутқини ривожлантиришнинг самарали йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқишда таянч бўладиган назарий, методик қоидаларни ёритишга қарор қилдик.

Китобда қуйидаги вазифалар хал қилинди:

1. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқини

ўстиришга оид назарий билимлар ва методик тажрибаларни умумлаштириш.

2. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг мақбул усул ҳамда воситаларини аниқлаш ва амалиётга тавсия этиш.

3. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқини ўстиришга оид асосий кўрсаткичларни белгилаш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

4. Тадқиқотнинг асосий вазифаларидан фойдаланиш самарадорлигини тажриба тарзида текшириш ва бошқалар.

I - 1. МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

«Таълим тўғрисида»ги қонунда мактабгача таълим тўғрисида шундай дейилади: «Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади». Бу ўқув-методик тадқиқотларни яратишда нафақат болалар боғчаси, балки оила шароитини ҳам ҳисобга олиш заруратини келтириб чиқаради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мактабгача таълимнинг асосий йўналишлари қуйидагича белгиланади: «Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди».

Ушбу ҳужжатда мактабгача таълимни ривожлантиришнинг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат деб кўрсатилади:

— замонавий ўқув-услубий қўлланмалар ва техника воситалари, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш;

— мактабгача катта ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш зарур.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун юқо-

ридан бериладиган кўрсатмаларни кутиб ўтирмасдан, ички имкониятлардан ҳам унумли фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда нутқни ривожлантириш муаммосини тадқиқ эта бориб, биз бошланғич синф таълимидаги изчилликни ҳам ҳисобга олдик.

Умумий ўрта таълимнинг ҳозирги босқичида бошланғич синфлар ўқувчиларининг умумтаълим тайёрлигининг мазмуни ва даражасига бўлган талаблар анча ортди. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом»да ёзиб қўйилганидек: «Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик кабиларни ва амалий тажриба қўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради».

Буни эса болаларнинг нутқини ўстирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шу боис мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теvarак-атрофни ўрганишда нутқини ривожлантиришнинг самарадор йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқишнинг тадқиқот муаммоси сифатида белгиладиқ.

Методист олимларнинг қўлчилиги болалар боғчаларида болаларнинг нутқини ўстириш шартларини тўғри таъкидлайдилар. Мазкур муаллифларнинг фикрича, нутқ маданиятининг камчиликлари бола шахсиятига салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, бола тенгдошлари билан мулоқотда кўрс, одамови, қунтсиз бўлиб қолади. Бундан ташқари, бундай болада теvarак-атрофни ўрганишга бўлган қизиқиш пасаяди, кейинчалик эса мактабда дарсларни ўзлаштирмасликка сабаб бўлади.

Эълон қилинган тадқиқот ишларини умумлаштириб ўрганган ҳолда, уларнинг кўпчилигида мактабгача ёшдаги болаларда нутқ маданиятини шакллантиришга оид вазифаларни ҳал этишга нисбатан қўйидагича ягона ёндашув заруриятини аниқладик:

— товушларни тўғри талаффуз қилишни шакллантириш (болада аввало, нутқ эшитиш шаклланади, талаффузни у кейинроқ эгаллайди);

— аниқ талаффуз ҳосил қилиш (сўз ва сўз бирикмаларини дона-дона ва аниқ талаффуз қилиш);

— сўзни талаффуз қилганда урғуни тўғри қўйиш устида ишлаш;

— нутқнинг орфоэпик жиҳатдан тўғрилиги устида ишлаш (бу намунавий адабий талаффуз қоидаларининг жами);

— нутқ суръатини ривожлантириш;

— нутқнинг ифодалилигини шакллантириш (нутқнинг табиий, эркин, яъни нутқнинг онгли ифодаланиши);

— нутқий алоқа кўникмаларини тарбиялаш;

— нутқий эшитиш кўникмаларини шакллантириш;

— нутқий нафас олишни шакллантириш;

— ўз фикрини эркин ва изчил баён этиш малакасини шакллантириш.

Кузатишлар асосида шундай хулосага келдикки, мактабгача ёшдаги болаларда нутқий алоқани тарбиялашда тарбиячи ва ота-оналарнинг роли бениҳоя каттадир.

Болалар нутқи устида ишлаш жараёнида:

а) тенгдошлари билан суҳбатда хушмуомала бўлишларига;

б) табиий оҳангда гапиришларига;

в) сўзлашганда суҳбатдошининг юзига қараб туришларига;

г) қўлларини бамайлихотир ҳолатда тутиб туришига эътибор бермоқ зарур.

Бизга маълумки, тил билан тафаккур ўртасида узвий алоқа мавжуд.

«Ҳақиқатан ҳам, тил билан тафаккур бир-бирисиз яшмайди, — деб ёзади А.М.Бородич. — Гарчи тил билан тафаккур бир-бирисиз яшай олмаса ҳам улар ўзида айнан бир ҳодисани ифодаламайди. **Тафаккур** — **объектив борлиқнинг интиҳоси, тил эса** — **ифода усули, фикрни бошқа кишиларга бериш ва мустаҳкамлаш воситаси.** Сўз билан тушунча диалогик тарзда бир-бирини тақозо этади».

Манбалар таҳлили шуни тасдиқлайдики, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг сўз бойлигини режалли, тарзда изчил кенгайтириб бориш зарур.

Болалар нутқини тўғри ривожлантириш учун:

а) нутқ ўстиришга доир теварак-атроф объектларини олдиндан ажратиш ва улар билан таништириш;

б) болаларнинг эслаб қолиши ва тўғри талаффуз этиши, сўзлашганда тез-тез фойдаланиши, аҳамиятини тушуниши зарур бўлган сўзларнинг тахминий рўйхатини тузиш лозим. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг фаол луғатини бойитишда уларни теварак-атроф билан таништириш муҳим восита саналади. Тадқиқотчи А.М.Бородич шундай деб ёзади: «Болаларни борлиқ билан таништиришнинг иккита йўли бор»:

1) ҳиссий органлар билан ташқи оламни бевосита идрок этиш — болалар предметларни кузатадилар,

ушлаб кўрадилар, эшитадилар, татиб кўрадилар, у билан ҳаракат қиладилар;

2) болалар теварак-атрофдагилар ҳақида бевосита маълумот оладилар; тарбиячи меҳнат кишилари тўғрисида, табиат билан боғлиқ ҳаёт ҳақида гапириб беради, болалар кузатган ҳодисаларни тушунтиради, китоб ўқиб беради, расмлар, диафильмлар, кинофильмлар намойиш этади.

Худди мана шу тавсиялар мактабгача ёшдаги болалар билиб оладиган теварак-атроф объектларини таснифлаш учун асос сифатида қабул қилиниши мумкин. Шу билан бирга, болаларда фаол ва пассив луғат бойлиги аста-секин ортиб боради, нутқ ривожланади.

Мактабгача ёшдаги бола эшитадиган, маъносини тушунадиган, эслаб қоладиган ҳамда қўллайдиган сўзларни аста-секин теварак-атроф билан танишиш жараёнида ота-оналари, тенгдошлари, тарбиячиларининг ахборотлари орқали, шунингдек, ўзининг унча кўп бўлмаган сўз захирасига таяниб билиб олади. Бола ўсиб боради, унинг эҳтиёжлари кўпаяди, янги истаклари, қизиқишлари пайдо бўлади.

Бироқ тарбиянинг ақлий, ахлоқий, меҳнат ва бошқа турлари бир маромда (боланинг ёшига мувофиқ) амалга ошиши учун мактабгача ёшдаги болалар луғатидаги сўзлар миқдори устида етарлича ўйлаб кўрилмайди. Афсуски, бу масалага тадқиқотчилар томонидан ҳам тегишли даражада эътибор берилмайди. Таълимий-тарбиявий жиҳатдан ниҳоятда долзарб бўлган бу муаммо назарий-методологик ва методик жиҳатдан тадқиқ этилмаган ва ишланмаган.

Ҳозирги давр тадқиқотчилари мактабгача ёшдаги болалар учун (шу жумладан, нутқни ривожлантириш бўйича

ҳам) намунавий фаол ва пассив сўзлар лугатини (ҳеч бўлмаганда тахминий) тузишлари ҳам кун тартибдаги долзарб масаладир. Айниқса, 5, 6 ва 7 ёшдаги болалар учун лугатлар тузиш ғоятда муҳимдир. Шу билан бирга, нафақат сўзларнинг миқдорий таркибини аниқлаш (1500, 2000 ёки 3000 — 4000 сўз), балки уларни мавзулар ва ҳаётий аҳамияти бўйича ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Шундай қилиб, мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини режали тарзда ривожлантириш учун нафақат теварак-атрофни ўрганиш, объектларни асосли равишда танлаш, балки айти пайтда энг аҳамиятли сўзларни уларнинг мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги (яъни сифат таркиби, маъноси) бўйича ўрганишни таъминлаш ҳам долзарб масаладир.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни ўрганишда нутқини ривожлантириш учун назарда тутиш лозим бўлган сўзларни мавзу жиҳатидан гуруҳларга қуйидагича бўлиш мумкин:

- ота-оналар, қариндош-уруғлар, тенгдошлар билан боғлиқ сўзлар;
- маиший предметлар, ўйинчоқларни англатадиган сўзлар;
- бола яшаб турган жойдаги предметлар ва бошқа нарсаларни англатадиган сўзлар;
- ҳовли, кўча, хиёбон, боғ, томорқадаги нарсаларни англатадиган сўзлар;
- ҳайвонот олами, қушлар, судралиб юрувчилар, ҳашаротларни англатадиган сўзлар;
- жонсиз табиат объектларини англатадиган сўзлар;
- инсон касб фаолиятининг ҳар хил турлари (касби, ихтисоси, иш турлари ва ҳоказо)ни англатадиган сўзлар;

— буюмлар, мосламалар, асбоб-ускуналар, машиналар, материаллар ва ҳоказоларни англаувчи сўзлар;

— педагогика, психология, социология, тарих (ахлоқ, маънавият, қадрият) кабилар билан боғлиқ сўзлар;

— ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан боғлиқ бўлган сўзлар.

Болалар боғчаларида мактабгача катта ёшдаги болалар айрим сўзларни ўрганиш билан бир қаторда, ибораларни (осмонда ярим ой, оёқ яланг) ҳам талаффуз қилишни ўрганишлари уларнинг боғланишли нутқини ўстиришга самарали таъсир кўрсатар экан.

Маълумки, мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш фаолиятнинг ҳар хил турларида амалга оширилади:

— табиат объектлари билан таништириш машғулотида;

— бадиий асарлар билан таништириш машғулотида;

— савод ўргатишда;

— ўйин фаолиятида;

— ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида турли ишларнинг бажарилишида.

Тадқиқотчилардан Л.П.Федоренко ва Г.А.Фомичевалар методик жиҳатдан муҳим ғояни илгари сурадилар: «Болани нутққа ўргатиш, — деб ёзади улар, — унга тил материясини (нутқ органларини машқ қилдириш) тил белгилари, лексик ва грамматик белгилар (интеллектни машқ қилдириш), маъносини тушунишни осонлаштириш, лексик ва грамматик белгилар ёрдамида (эҳтирос ва туйғуларни машқ қилдириш) борлиқни баҳолашни ифодалашни

ўргатиш, адабиёт меъёрларини эслашни осонлаштиришга қўмак бериш демакдир».

Бола томонидан нутқни ўзлаштиришга асосли ёндашув билан келишган ҳолда биз шунга эътиборимизни қаратдикки, қўлланма муаллифлари тез-тез «ёрдам бериш», «машқ қилдириш» ва бошқа ибораларни қўллайдилар-у, бироқ қай тарзда ёрдам бериш, машқ қилдириш мумкинлигига кам эътибор қаратадилар.

Нутқ ўстириш бўйича аниқ мақсадга қаратилмаган машқлар болаларнинг боғланишли нутқини ўстиришга ижобий таъсир кўрсата олмаслиги мумкин.


Таянч тушунчалар:

Теварак-атроф, жараён, нутқ, шаклланиш, техник воситалар, умумбашарий, умумтаълим, орфоэпик.

2. МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД НАЗАРИЙ, ТАШКИЛИЙ, НЕДАГОГИК ВА МЕТОДИК ИШЛАР

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда нутқни туза билиш даражасини кўтариш мактабгача таълим тизими методистлари олдидаги асосий вазифалардандир. Шунини ҳисобга олган ҳолда теварак-атрофни ўрганишда мактабгача тарбия ёшидаги катта болаларнинг нутқини ривожлантириш муаммосига оид тадқиқотни нутқни ривожлантиришни таъминлайдиган омилларни аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

1-жадвал



Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривож-

лантиришнинг юқори даражасига қуйидагилар эвазига эришилиши мумкин экан:

— тилнинг адабий меъёрлари ва қоидаларидан хабардорлик;

— ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён эта олиш;

— мулоқотга кира билиш, катталар ва тенгдошлар билан муомала қила олиш;

— суҳбатдошни тинглай билиш, сўраш (саволларни тўғри бера олиш), жавоб бериш, эътироз билдириш, зарур бўлганда эса тушунтириш, изоҳлаш.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстиришда нутқ-диалогик ва монологик нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур бўлади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар диалогик нутқни нисбатан осон ўрганадилар. Бу қуйидагилар билан ифодаланади: болалар уйда, болалар боғчасида доимо диалогик нутқни эшитилади. Бундан ташқари, болалар ўзаро мулоқотда бўлиб, асосан диалогик нутқдан фойдаланадилар.

Методик адабиётларда баён қилинишича, адабий тил негизида асосан монологик нутқ ётади. Шунинг учун ҳам нутқни ривожлантириш таълим-тарбия тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Монологик нутқ, муайян мавзуга оид мантиқий изчил гаплар шаклида ифодаланган ҳамда бошқаларга таъсир кўрсатиш учун йўналтирилган фикрлар (товушлар)нинг уюшган тизимини намоён этади.

✓Бола учун монологик нутқ, шубҳасиз, психологик жиҳатдан мураккаб ҳисобланади. Гап шундаки, мактабгача катта ёшдаги бола монологик нутққа тайёргарлик жараёнида, шуни тушунадики, тингловчилар (бошқалар) унинг айтаётган фикр-мулоҳазаларидан

қандайдир қизиқарли нарсани билишни истайдилар. Бола интуитив тарзда бўлса-да, монологик нутқ режасини мантиқан тузиш, мақсадини баён этишга оид ибораларни тўғри танлаш, гап тузиш, товушларни тўғри талаффуз қилишга ҳаракат қилади.

Ноқулай психологик шароит мактабгача катта ёшдаги болага шундай муҳит яратадики, унинг ўзи баён қилмоқчи бўлган сўз, ибора, гап маъносини тушуниб етмаслик билан боғлиқ бўлган «ноқулайлик»ни ҳис этади.

Ҳақиқатан ҳам монологик нутқ тингловчига макроқли ва тушунарли бўлиши учун мактабгача катта ёшдаги бола, аввало, хотира ва мантиқий фикрлашга таянмоғи лозим.

✓ Маълумки, боланинг нутқи тил қонуниятларига тўғри амал қилиш, катталар нутқини идрок этиш ва ўзининг ижодий фаоллиги натижасида ривожланади.

Шундай қилиб, тил ва нутқ мактабгача катта ёшдаги боланинг психологик ривожланиши ҳамда даставвал хотираси, фикрлаши, идрок этиши, ҳиссиёти ва эҳтиросини таъминлайдиган иккита муҳим воситадир.

Биринчи қонуният: Она тилидаги нутқни идрок этиш қобилияти бола нутқ органлари мускулларининг машқ қилдирилишига боғлиқ (шунинг учун ҳам сўз, ибора ва гапларни талаффуз этишни такомиллаштириш учун нутқ органларини машқ қилдиришга етарли даражада эътибор бермоқ муҳимдир).

Иккинчи қонуният: Нутқ маъносини тушуниш бола томонидан нутқнинг лексик ва грамматик қонуниятларининг ўзлаштирилишига боғлиқ.

Учинчи қонуният: Нутқ ифодалилигини ўзлаштириш болада фонетика, лексика ва грамматиканинг

ифода воситаларини тушунишга бўлган мойилликка боғлиқ (мактабгача катта ёшдаги болаларни нутқ ифодалилигини тушунишга ўргатиш ҳамда бу хиссиётларнинг бола томонидан ўзлаштирилишига эришиш лозим).

Тўртинчи қонуният: Нутқни бойитиш, аввало, нутқ кўникмаларини такомиллаштиришга боғлиқ (агар олдинги ёш босқичида мактабгача катта ёшдаги бола нутқини шакллантириш муваффақиятли бўлган бўлса, ундан кейинги нутқни бойитиш жараёни ҳамда уни ўзлаштириш осон ва тез боради). Бундан ташқари, тадқиқотчилар томонидан нутқни бойитиш жадаллиги тилни ҳис этиш, билиш имкониятлари (сезиш, хотира, идрок қилиш, фикрлаш), ирода кучининг ривожланишига ҳам боғлиқ.

Бешинчи қонуният: Нутқ меъёрларини ўзлаштириш тилни ҳис этишнинг ривожланишига боғлиқ.

Болаларнинг нутқини ўзлаштиришда тиниш белгиларини қўллаш меъёрини, эслаб қолиш қобилиятини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Меъёрланган нутқда она тили унсурларини анъанавий қўллашда инсон ҳаётининг асосан, мактабгача катта ёшдаги даври самарали бўлиши она тили методикаси илмида аллақачон ўз исботини топган.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалалар комплексини ҳал этишда қуйидагилар алоҳида ҳисобга олинади:

1. Инсондаги билиш инстинкти, туғма қизиқувчанлик нутқ воситасида амалга оширилади.
2. Бола нутқ иштироқида оламни билиб боради.

Психологларнинг кузатишича, теварак-атроф тўғрисидаги билимлар нутқ орқали ўзлаштирилади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, болаларни теварак-атроф билан таништириш нутқни ривожлантиришда кенг имкониятлар туғдиради.

Шунга кўра тарбиячилар мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқини тўғри йўналтиришни теварак-атроф билан таништириш орқали амалга оширади.

Болалар нутқини ривожлантириш самарадорлигига эришиш учун уларнинг билим даражаси, қизиқиши ва шахсий қобилияти хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Шу нарса аниқланганки, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг барча ҳаракат ва хулқини бошқаришда бош мия фаолиятининг роли ортиб боради. Яъни болалар бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини, атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларни билишга ва баҳолашга интиладилар. Шунга кўра мактабгача ёшдаги болалар бажарадиган фаолият турлари ҳам хилма-хил ва мазмунли бўла боради. Демак, болалар фаолиятининг сермаҳсул турлари нутқ ўстиришда катта рол ўйнайди.

Болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими биргаликда уюштирилладиган ўйинларда юқори даражада шаклланади. Ижтимоий фойдали меҳнат ва ўқиш каби фаолият турлари тобора кўпроқ роль ўйнай бошлайди. Шу билан бирга, тенгдошларига нима биландир кўмак бериш, улар учун бирон-бир фойда етказиш мақсадида намоён бўладиган меҳнатнинг ижтимоий мотивлари янада аҳамиятлироқ, яъни сезиларли бўлиб қолади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар ўз хулқларини янада асослироқ бошқара бошлайдилар.


Болалар тарбиячиси томонидан улар олдига кўйилган вазифалар маъносини аниқ биладилар, топшириқларни мустақил ва нуқсонсиз бажариш учун астойдил интиладилар. Буларнинг барчаси нутқни ривожлантиришнинг муҳим шарт-шароитлари бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, таълимда бирор-бир ютуққа эришиш тарбияга боғлиқ. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги болаларнинг маданий хулқ-одатларини шакллантиришга муайян даражада эътибор бериш, уларда яхшилик, камтарлик, адолатлилик, виждонлилик тўғри-сидаги ахлоқий тасаввурларни таркиб топтириш ва шу хилдаги сифатнинг зидига нисбатан салбий муносабатни тарбиялаш керак.

Нутқни самаралироқ ривожлантириш мақсадида болаларнинг теvarак-атроф объектлари (кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати, ҳайвонлар, ўсимликлар олами, сув ости дунёси) тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш ва изчил, режали тарзда кенгайтира бориш талаб этилади.

Нутқни ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш режасида нафақат теvarак-атроф объектлари устида оддий кузатишлар (мушоҳадалар) учун, балки уларни ўрганиш учун ҳам сайрлар, саёҳатлар ўтказиш муҳимдир.

Шу ўринда теvarак-атроф объектларини ўрганишда нималарга эришиш мумкинлигини аниқлаб олишимиз лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, нутқ ўстиришга оид теvarак-атроф манбаларининг ўзини гуруҳлаштириш тақозо этилади.



Теварак-атрофни ўрганишда (тарбиячилар ёки ота-оналар томонидан) болалар шунчаки кузатмасликлари, балки предметларни уларнинг қисмлари, элементларини кўриб, жараёнлар, ҳодисаларни идрок эта бориб, улар тўғрисида мулоҳаза юритишлари ҳам лозим. Бунга эришиш учун тарбиячи олдига қийёслаш, таққослаш, ажратиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва бошқа шу каби усуллардан фойдаланиш вазифаси қўйилади. Бундан ташқари, ўрганиш жараёнида) мактабгача катта ёшдаги болаларни меҳнатнинг улар учун қулай бўлган турлари (ариқчаларни тозалаш, дарахтлар тагини юмшатиш, гулларни парвариш қилиш)га жалб қилиш муҳимдир. Бундай ёндашув шу билан боғлиқки, инсон бирон нарсани ўз қўли билан бажарса, уни

кўпроқ ва тўлароқ эса сақлайди. Мазкур усул билан мактабгача катта ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқидаги камчиликлар нарсасубъектларнинг номларини сўзма-сўз ва эслаш орқали тўлдирилади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш кўп жиҳатдан қуйидаги нарсаларнинг тўғри ҳал этилишига боғлиқ:

— нутқни ривожлантиришга доир дидактик материаллар (тарбиячи ва ота-оналарнинг маълум мақсадга қаратилган нутқи, болаларга ўқиб ёки айтиб бериладиган эртақлар, қўшиқлар, ҳикоялар);

— таълимнинг дидактик материалларни ўзлаштириш учун фойдаланиладиган метод ва усуллари;

— таълимни ташкил этиш (теварак-атроф объектларини саралаш, шунга боғлиқ нутқ ўстиришни режалаштириш);

— ўқув материалининг мазмуни, уни ўрганишнинг айрим усуллари ҳамда уларга тегишли тамойилларга таяниб, тарбиячи нутқ ўстириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни режалаштироғи зарур.

Биз айтиш мумкин оид тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнида нутқ ўстириш борасида қуйидаги дидактик тамойилларга таяниб иш кўриш яхши натижа беради деган хулосага келдик:

— нутқ органлари ҳамда қўлни ўргатиш учун нутқ материални тушуниш;

— нутқ аҳамиятини тушуниш ҳамда лексик ва грамматик кўникмаларни ривожлантириш;

— нутқ ифодалилигини баҳолаш. Бунинг учун мактабгача ёшдаги катта болаларда муайян ҳиссиётни

ривожлантирадиган дидактик материалларни танлаш мақсадга мувофиқдир;

— она тилига муҳаббат туйғусини ривожлантириш тамойили (бу ўринда болаларга, хусусан, нутқда она тили фактларини қўллаш анъанасини ўзлаштириш бўйича таълимни ташкил этиш назарда тутилади);

— муайян мавзуга оид ёзма нутқни оғзаки нутқ билан қиёслаш;

— нутқнинг аста-секин бойиб бориши.

Таянч тушунчалар:

Тафаккур, талаффуз, тасниф, луғат, нутқ органлари, лексик, грамматик.

3. МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ЎСИШИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Ўзбек оиласининг ўзига хос, бетакрорлиги — ўзбекона одоб-ахлоқ, расм-русумлар, урф-одат, миллий қадриятлар, анъаналар, таълим-тарбия, маънавий етукликка интилиш кабиларнинг барҳаётлигидадир.

Болаларнинг таълим-тарбиясига, билим олишига асосий замин яратувчи маскон оиладир. Болаларда инсонийлик, авваламбор, оилада, ота-оналардан ибрат олган ҳолда шаклланади. Ота-она болага бошидан таълим-тарбияни, нутқ маданиятини, одабийлик ҳислатларини кунт билан сингдириб борсалар, етук, баркамол, соғлом, мустақил фикрловчи энг асосийси, одобли шахс бўлиб етишадилар.

Инсон ҳаётда билим олишга интилишни, Ватанни севишни, ардоқлашни, катталарни ҳурмат қилишни, муомала маданиятини ота-онадан ўрганади. Оила биринчи навбатда таълим-тарбия маскани ҳисобланади. Ёш авлодга маънавий, ахлоқий-маданий тарбия беришнинг йўллари ва воситалари хилма-хил бўлиб, булар ичида болаларнинг нутқи, муомаласи алоҳида ўрин тутади. Фарзанд ота-онанинг бахти ва бойлиги ҳисобланади, ота-оналарнинг болаларни севиши, ўз навбатида болаларнинг ота-оналаридан ўрганган, эшитган муомалалари, сўзлашиш маданияти болаларнинг ота-оналарини астойдил ҳурмат қилиши оила кўрки бўлиб ҳисобланган.

Ота-онанинг шахсий намунаси бола тарбиясининг энг муҳим методларидан бири ҳисобланган. Ота-оналарнинг ўзаро бир-бирлари билан суҳбатлашиши, овозларининг паст-баландлиги, сизлаб гаплашишлари, бир-бирларини тинглашлари, юриш-туришлари, муносабатларининг таъсири остида ўсиб-улғайишлари шулар жумласидандир.

Ота-онанинг шахсий намунаси бола тарбиясининг энг муҳим методларидан бири ҳисобланади. Болаларни юксак ахлоқли ва одобли қилиб тарбиялаш қадим замонларданоқ, барча халқларнинг орзуси, истаги бўлиб келган. Ота-она ўз болаларида меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, ўзидан кичикларга шафқатли бўлиш ва ғамхўрлик қилиш, ёвузликка нафрат каби ижобий хислатларни шакллантиришга ҳаракат қилганлар.

Баъзи оилаларда ота-оналарнинг ўзаро қилишмовчиликлари сабабли болалар ҳаётда жуда қийналадилар. Бундай оилаларда бўлиб турадиган жанжал-тўпалонлар, ҳақоратли сўзлар оилада ўсиб келаётган фарзандларга катта таъсир этади. Болаларда ота-онасига бўлган ҳурмат йўқолади. Бола юриш-туриш ва ўзаро муносабат қоидалари, ёшларнинг ота-она ва катталар олдидаги бурчи, меҳнати, касб-кори ва уларнинг инсон ҳаётидаги роли ҳақидаги дастлабки тушунча ва тасаввурларни оилада оладилар, одоб ҳамда маънавий ҳаёт оилада ўйғонади. Шунинг учун ота-онанинг жамият олдидаги энг катта ва биринчи вазифаси фарзандларнинг қобилиятлари ва қизиқишларига эътибор берган ҳолда, уларга тўғри таълим-тарбия беришларидир.

Бугунги кунда фарзандларининг эҳтиёж ва инти-

лишлари асосида юксак даражада таълим-тарбия бераётган оилалар жуда кўп.

Бола ҳар қадамда, ҳар дақиқада катталардан таъсирланади, ўрганади, эшитган кўрганларини такрорлайдилар. Ота-оналаридан мулоқотга кириш маданиятини ўрганадилар, бу нарға кейинчалик уларнинг ҳаёти мазмунини бегилайди. Ота-оналар болаларига нутқ маданиятига мувофиқ нимани қандай гапириш мумкин, нимани айтмаслик кераклигини яхши биладилар.

Нутқ маданияти инсон маънавий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Нутқ маданияти бу аввало, фикрлаш маданиятидир.

Ота-оналар авваламбор, болаларининг нутқ маданиятини назорат қилиб боришлари, болалари нутқига жиддий эътибор беришлари, мулоқотда нутқ этикет қоидаларига риоя қилишлари, бола нутқини такомиллаштиришни тўғри йўлга қўйишлари керак.

Ҳар бир оила умумжамият талаблари асосида фаолият юритади. Жамият тараққиётининг ривожини эса унинг бағрида мавжуд бўлган оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қиёфасининг шаклланганлик даражасига бевосита боғлиқдир.

Оила бола учун энг асосий тарбиявий муҳит бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода, характер ва дунёқараш шаклланади.

Оилавий муносабатлар фарзандларнинг ақлий, руҳий камолотини таъминлабгина қолмасдан, ота-оналарда ўзига хос фаоликни ҳам юзага келтиради. Оилада қарор топган соғлом маънавий-руҳий муҳит фарзандларнинг етук, баркамол бўлиб вояга етишишлари учун беқиёс аҳамиятга эгадир.

Ота-оналар ўз ижтимоий бурчини бажарар эканлар, фарзандларнинг меҳнатга, уни ташкил этувчиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғусини шакллантириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш, турли кўринишдаги муносабатларини меъёрларга оғишмай риоя этиш, соғлом турмуш тарзини яратиш кўзда тутилади.

Оила жисмоний ва психологик жиҳатдан соғлом, маънавий баркамол, ижтимоий меҳнат ҳамда оилавий ҳаётга тайёр, нутқ маданияти шаклланган, сўзга бой шахсни ўсиб улғайтириб беради. Ота-оналар болаларининг етук, баркамол ва соғлом ўсишларида уларнинг кундалик ҳаётий режимига амал қилишлари ниҳоятда муҳимдир.

Оилада уюштирилаётган суҳбатлар алоҳида диққатга сазовордир. Одоб-ахлоқ мавзусида уюштирилган мулоқотлар фарзандларнинг тил воситаларини мустақил тарзда қўллашларига эришиш зарурлигини кўрсатади. Бундай оилавий суҳбатлар фарзандларнинг кундалик фаолиятида, сайру саёҳатларда самарали натижа бериши шубҳасиздир.

Ҳозирги замон талабларига мувофиқ оилада болалар она тилини, адабий талаффуз меъёрларига биноан барча товуш ва сўзларни аниқ ва тиниқ талаффуз этиб, сўз бойлигини ривожлантирмоғи лозим. Болалар шахсини шакллантириш, нутқини ривожлантириш борасида йўл қўйиладиган камчиликлар ҳали-ҳануз оилаларда етарли даражада эмас. Ота-оналарнинг болаларга бепарволиклари, сўзлашганда нутқ маданиятига аҳамият бермасликлари оилада бола нутқининг бузилишига олиб келмоқда.

Оилада болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар

тизими биргаликда уюштириладиган ўйинларда, сайрларда юқори даражада шаклланади. Болаларнинг нутқ маданиятини шакллантиришда оиладаги катта-кичиклар, тенгдошлари билан қилинадиган муомалалари кўпроқ рол ўйнайди.

Фарзандларнинг ўз ҳаракатлари ва хулқини бошқара билиши диққат, фикр ва хотира сифатини оширишга таъсир кўрсатади.

Хулоса қилганда, оилада бирор-бир ютуққа эришиш тарбияга боғлиқ. Шунинг учун ҳам оилада тарбия, маданий хулқ-атвор одатларини шакллантиришга муайян даражада эътибор бериш, уларда яхшилик, камтарлик, адолатлилик, виждонлилик тўғрисидаги ахлоқий тасавурларини таркиб топтириш ва шу хилдаги сифатнинг дидига нисбатан салбий муносабатни тарбиялаш керак.

Оилада фарзандлар нутқ маданиятини шакллантириш, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшадиган, баркамол авлодни вояга етказишда ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Таянч тушунчалар:

Олимлар, захира, хусусият, салоҳият, мантиқий, интуитив, ибора, инстинкт, мотив, манба, дидактика.

4. МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД МАШҒУЛОТЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ҳамда индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олишни айтилса ҳам амалда унга деярли эътибор берилмади. Шунинг учун ҳам «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо туғдираётганлиги, малакали педагог кадрларга катта эҳтиёж борлиги алоҳида таъкидланган эди. Маълумотларга қараганда, мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг фақатгина 20 фоизи олий маълумотлидир.

Кадрлар малакасининг пастлиги, шубҳасиз, ҳозирги шароитда илғор педагогик технологиялардан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади. Негаки, жаҳон стандартлари асосида нутқни ривожлантиришнинг ҳозирги замон методлари, таълимни ташкил этиш шакллари юксак мезонлар билан ўлчанади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг қулай шарт-шароитларини аниқлаш натижасида уларнинг теврак-атроф объектларини ўрганишларида қуйидаги методлардан фойдалан-

ган ҳолда ўз ишларини режалаштиришлари мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик:

— кузатиш методи (кўридаётган бино, иншоотнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириш, боққа саёҳат ва шу кабилар);

— расмлар, фотосуратлар, кинофильмлар ва диафильмлар намойиш этиш (теварак-атроф объектларини бевосита ўрганиш имкони йўқ бўлган тақдирда);

— ўйинчоқларни томоша қилиш.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга оид машғулотларни режалаштиришда суҳбат методи, имитация методи, қайта ҳикоялаш ва оғзаки иншо методларидан фойдаланишни алоҳида ҳисобга олиш зарур.

Нутқни ривожлантиришда С.В.Петрина томонидан тавсия этилган кўргазмали ўйин-машғулотлари ва этник характердаги ўйин-инсценировкалар ҳам муҳим ўрин тутади. Аниқ шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, нутқни ривожлантиришда суҳбат, кўргазмали ҳамда ўйин усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Амалиётда кўпроқ куйидаги усулларни қўллаш мумкин:

— нутқий намуна (бу тарбиячининг тўғри ва сайқалланган нутқ фаолияти);

— такрорлаш (айнан бир хил нутқ элементлари — товушлар, сўзлар, иборалардан бир неча марта фойдаланиш);

— тушунтириш (бирон-бир ҳодиса ёки ҳаракат образининг моҳиятини очиб бериш);

— мактабгача ёшдаги болаларга қандай ҳаракат қилиш, талаб қилинадиган натижага қандай эришиш лозимлигини кўрсатиш, изоҳлаш;

— мактабгача катта ёшдаги болаларнинг муайян нутқ ҳаракатини кўп марта бажариши.

Мактабгача таълимнинг ҳозирги аҳволи ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини ҳисобга олиб, болалар боғчасида машғулотларни режалаштиришда, аввало, нутқ ўстириш бўйича устивор масалаларни ҳисобга олмоқ лозим.

Ушбу методнинг моҳияти қуйидагилардан иборат: Адабий манбаларни таҳлил қилиш, иш тажрибаларини ўрганиш асосида сўровномалар натижалари ҳисобга олинди. Қайд этувчи экспериментлар ўтказилиб, мактабгача катта ёшдаги болалар томонидан теварак-атрофни ўрганишда улар нутқини ривожлантириш масалаларини у ёки бу даражада ҳал этиш аниқланди. Сўнгра экспертлар танланди (булар етакчи олимлар, методистлар, тажрибали тарбиячилар ва бошқалар).

«Мактабгача катта ёшдаги болалар томонидан теварак-атрофни ўрганишда улар нутқини ривожлантириш бўйича масалалар умумий рўйхати»га (3-жадвал) эга бўлган эксперт «Умумий масалалар рўйхати»ни уч тоифа: асосий саволлар, қўшимча саволлар, иккинчи даражали масалаларга табақалаштириши зарур.

Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, масалаларни шу тарзда ўхшаш тоифаларга бўлиш илгари ҳам амалга оширилган. Бироқ кейинги ўн йилликда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги йилларида назария ва амалиётда муайян ўзгаришлар юз берди. Айниқса, бу мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш даражасига бўлган талабчанликнинг ошишида алоҳида кўзга ташланади.

Бироқ биз биламизки, фан ва амалиётдаги янги-

ликлар, илғор қарашлар мактабгача таълим оммавий амалиётига секинлик билан жорий этилмоқда ва бу ташвишланарли ҳолдир.

Шу билан бирга илгари кўпгина тадқиқотчилар томонидан асосий масалалар тоифасига киритилган бир қатор масалалар ҳозирги пайтда ўз кучини йўқотган. Аксинча, шундай масалалар ҳам борки, илгари иккинчи ёки қўшимча тоифага киритилган бўлсада, ҳозир ўз моҳиятига кўра асосий масала саналади.

Масалан, илгари «Луғатни бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш» масаласи қўшимча тоифага киритилган эди. Эндиликда эса нутқни ривожлантиришда асосий масалалардан бири бўлиб қолди.

Илгари мактабгача катта ёшдаги болаларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари масаласи иккинчи даражали ҳисобланар эди. Ҳозир эса кўпгина тадқиқотчилар уни қўшимча масалага киритмоқда.

Баён этилганлар муносабати билан ҳозирги пайтда нафақат «Асосий масалалар»ни аниқлаш, балки, назария ва амалиётларда «Иккинчи даражали» ҳисобланган масалаларни аниқлаш ҳам муҳимдир.

3-жадвал

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теварак-атроф объектларини ўрганишда нутқини ривожлантиришга оид масалалар рўйхати

| Т.р | АСОСИЙ МАСАЛАЛАР ТОИФАСИ |
|------------|---|
| 1 | 2 |
| 1. | Нутқнинг грамматик томонини шакллантириш. |
| 2. | Нутқнинг товуш томонини шакллантириш. |

3. Нутқ ўстиришга оид асосий вазифалар рўйхати.
4. Луғат бойлиги.
5. Мактабгача катта ёшдаги болаларда диалогик нутқни шакллантириш.
6. Монологик нутқни шакллантириш.
7. Нутқ ўстириш дастурини тузиш.
8. Нутқни ривожлантиришнинг қулай метод ва усуллари танлаш.
9. Нутқни ривожлантириш даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.
10. Нутқни ривожлантиришнинг асосий натижаларини назорат қилиш.
11. Нутқнинг товуш маданиятини шакллантиришнинг қулай метод ва усуллари ишлаб чиқиш ва танлаш.
12. Нутқни ривожлантиришнинг асосий назарий асосларини аниқлаш.
13. Мактабгача катта ёшдаги болалар томонидан теварак-атрофни ўрганиш учун асосий объектлар рўйхатини аниқлаш.
14. Ўйинлардан нутқ ўстириш воситаси сифатида фойдаланиш.

4-жадвал

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теварак-атроф объектларини ўрганишда нутқни ривожлантиришга оид қўшимча масалалар

| Т.р. | ҚЎШИМЧА МАСАЛАЛАР ТОИФАСИ |
|------|--|
| 1 | 2 |
| 1. | Нутқни ривожлантиришга оид асосий тушунча- |

лар ва уларнинг таърифи.

2. Сўз захирасини бойитиш йўллари ва воситалари.
3. Ҳикоя қилиб беришга ўргатиш.
4. Машғулотларнинг тарбиявий йўналтирилганлигини таъминлаш.
5. Машғулотларни яқка тартибда ташкил этиш.
6. Қайта ҳикоя қилиб бериш усулларига амал қилиш.
7. Нутқни ривожлантиришни режалаштириш воситаларидан фойдаланиш.
8. Нутқ ўзлаштириш қонуниятлари.
9. Нутқни ривожлантириш тамойиллари.
10. Нутқнинг товуш маданиятини шакллантиришга оид машғулотларни ташкил этиш.
11. Нутқ ўстиришда болалар томонидан йўл қўйиладиган асосий хатолар таснифи.
12. 5–6 ёшли болаларнинг грамматик кўникмаларини шакллантириш.
13. Нутқ ифодалилигини шакллантиришнинг асосий шарт-шароитлари.
14. Саёҳатлар — нутқ ўстириш воситаси сифатида.
15. Она тилининг орфоэпия меъёрларини эгаллашнинг энг қулай шарт-шароитлари.
16. Овоз сифатини такомиллаштиришнинг хусусиятлари.
17. Мактабгача катта ёшдаги болалар ижтимоий меҳнати — нутқни ўстириш воситаси сифатида.
18. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстиришда компьютердан фойдаланиш шарт-шароитлари.

**Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теварак-атроф
объектларини ўрганишда нутқини ривожлантиришга
оид иккинчи даражали масалалар**

| Т.р. | ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ МАСАЛАЛАР ТОИФАСИ |
|------|---|
| 1 | 2 |
| 1. | Бадиий адабиётлар билан таништириш. |
| 2. | Нутқ ўстиришга оид тадқиқот методлари. |
| 3. | Расмларга қараб ҳикоя қилиб беришга ўргатиш. |
| 4. | Хотира бўйича ҳикоя қилиб беришга ўргатиш. |
| 5. | Катталар хабарини қайта ҳикоя қилиб бериш. |
| 6. | Тарбиячининг нутқ маданиятига қўйиладиган асосий талаблар. |
| 7. | Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқи ифода-лилизининг шарт-шароитларини таъминлаш. |
| 8. | Болалар томонидан тарбиячилар нутқини тушунмасликнинг олдини олиш шарт-шароитлари. |
| 9. | Антоним сўзларни ўзлаштириш учун машқлар. |
| 10. | Болаларни бадиий адабиёт билан таништиришга оид машғулотлар ўтказишнинг хусусиятлари. |
| 11. | Топишмоқ, мақол ва маталлар — нутқ ўстириш воситаси сифатида. |
| 12. | Расмлардан фойдаланиш — нутқ ўстириш воситаси сифатида. |
| 13. | Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг турли ёшдаги гуруҳлари нутқини ўстиришда изчилликка риоя қилишнинг моҳияти ва хусусиятлари. |

| | |
|-----|---|
| 14. | Мақтабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстиришда магнитофондан фойдаланиш. |
|-----|---|

Мақтабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстиришга оид теварак-атроф объектлари:

- мақтабгача ёшдаги болаларнинг ёши;
- кўпгина болалар боғчаларида мақтабгача ёшдаги болалар бўлиши учун объектларнинг қулайлиги;
- сўз захирасини бойитишнинг зарурлиги.

Теварак-атроф объектларининг намунавий рўйхати қуйидагича:

1. Ҳайвонот олами.
2. Табиат кўринишлари (баҳор, ёз ва бошқалар).
3. Ўсимликлар дунёси.
4. Инсонларнинг меҳнат фаолияти.
5. Хўжалик соҳалари (саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар).
6. Почта, телеграф.
7. Ғалла, ун, сабзавот ва бошқаларни сақлаш учун бинолар (элеваторлар, омборлар ва бошқалар).
8. Денгиз, кўл, дарё, шаршара, ариқ, канал.
9. Тоғлар, тоғ даралари, горлар.
10. Осмон, юлдузлар, фазо.
11. Маданий-маиший иншоотлар.
12. Савдо расталари, дўконлар.
13. Ўйинчоқлар.
14. Китоблар, расмлар, безакли журналлар.

Нутқни ривожлантиришга оид теварак-атроф объектларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ҳайвонот ва ўсимликлар олами;
- инсонлар меҳнати ва техника воситалари;
- теварак-атроф предметлари;

- нарса-буюмлар;
- ўйинчоқлар, расмлар, бадиий асарлар;
- маданий-маиший бинолар;
- теварак-атроф ҳодисалари, йил фасллари.

Хулоса қилганда, турли хил адабий манбаларни, мактабгача тарбия муассасалари илғор иш тажрибаларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида теварак-атрофни ўрганишда нутқни ривожлантириш муаммоси таълимнинг илк босқичи тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш машғулотларини режалаштириш ва ташкил этиш, амалиётдаги мавжуд тавсиялардан фойдаланиш, танқидий ва ижодий ёндашишлар зарурлигига эътибор қаратиш, шунингдек, мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга оид илғор технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни ва айрим хусусиятлари таҳлил қилинади.

Таянч тушунчалар:

Индивидуал, технология, инсценировка, сайқаланган, тоифа, ривожлантириш, танқид.

Тўғри нутқ

5. ТЕВАРАК-АТРОФ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ НУТҚИНИ ЎСТИРИШ УСУЛЛАРИ

Тилни тўғри ўрганиш, унинг грамматик тузилишига эътибор бериб сўзлашиш, болаларда эркин муҳокама юритиш, саволлар бериш, бошқалардан эшитган фикрлари юзасидан хулосалар чиқариш нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишнинг турли кўринишларини англаб етишга олиб келади.

Болалар боғчасида соғлом, табиий муҳит яратиш, уларнинг тўғри муомалага киришиши, бошқалар билан гаплашиш иштиёқининг ортишига туртки бўлади. Бунинг учун болалар нутқининг шаклан ва мазмунан мантиқий бирлигига эришиш муҳим бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

- дастлаб бола ўз луғат бойлигига эга бўлиши;
- болалар нутқининг грамматик тузилишини аниқ шакллантиришга эътибор бериш;
- болаларда товуш маданиятини тарбиялаш;
- диалогик нутқ, яъни сўзлашув нутқини ривожлантириш;
- ҳикоя қилиб бериш;
- болаларни бадиий адабиёт билан таништириш;
- болаларни савод ўргатишга тайёрлаш ва бошқалар.

Бу талаблар мактабгача тарбиянинг барча

босқичларида амалга оширилади. Лекин уларнинг ҳар бирида болаларнинг ёш хусусияти, шахсий тайёргарлик даражаси, албатта, ҳисобга олинади.

Болаларнинг теварак-атрофни кузатиб бориши натижасида талаффузи ҳам ижобий томонга ўзгара бошлайди; товушларни тўғри талаффуз қила бошлайдилар, жумлалар мазмуни кенгая боради, грамматик томондан гапни тўғри туза бошлайдилар, луғат бойлиги ҳам ортади. Болаларнинг ўзлари кичик-кичик ҳикоялар туза бошлайдилар ва бу ҳикояларни эркин баён қила оладилар. Уларда катталар билан мулоқотга киришиш, ўз фикрини эркин баён этиш каби хислатлар пайдо бўла бошлайди. Шунга кўра болалар нутқида товуш маданиятини такомиллаштириш, атрофдаги нарсалар, предметлар, ҳодисалар номини ифодаловчи сўз бойлигини кенгайтириш, фаоллаштириш, монологик нутқнинг оддий шаклига риоя этиш, ўз фикрини грамматик жиҳатдан тўғри ва аниқ ифодалай олиш кўникмаларини пайдо қилиш муҳим ва зарур ҳисобланади.

Бу талаблар болаларда борлиқни, теварак-атрофни идрок этиш, уни тушуниш, ҳис этиш, ҳикоялар тузиш, ўз фикрини баён қила олиш, ифодали ўқиш фаолияти жараёнида таркиб топтиради.

Маълумки, боғланишли нутқда болаларнинг атрофдагилар билан воқеа-ҳодисалар таъсири натижасида ўзаро муносабати, алоқаси ифодаланади. Бу ифода бир ёки бир неча жумлаларда ўз аксини топиши мумкин.

Нутқнинг шаклланишида боланинг теварак-атроф билан муносабати, муомала шакли катта рол ўйнайди. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг оғзаки

нутққа доир, малака ва кўникмалари мавжуд бўлганлигини ҳисобга олиб, уларда боғланишли нутқни шакллантиришда, аввало, теварак-атрофни кузатишда нималарга эътибор беришимиз кераклигини аниқлаб олишимиз зарур. Булар, аввало, она-Ватан ҳақида дастлабки тасаввурларни шакллантиришдан бошланади. Бунда «Болалар боғчалари учун дастур»да болаларда мустақил Ўзбекистон давлати ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш, унинг ўтмишига оид ёдгорликлар билан таништириш, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Кўқон каби тарихий шаҳарлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш, «Мустақиллик куни» (1991 йил 1 сентябрь), Ўзбекистон рамзлари: герби, байроғи, мадҳияси билан таништириш, Ўзбекистон Президенти, Президентлик бошқаруви ҳақида маълумотлар бериш, болаларнинг ўз маҳалласи, кўчаси, уйи, унинг номланиши, номланиш сабаби; Ўзбекистоннинг табиати, ер-ости ва усти бойликлари, тоғлари, чўл ва адирлари, тоғу сойлари, ўрмону-боғлари, иқлими, буюк сиймолари, саркардалари, улуғ мутафаккирлари, анъанавий байрамлари, сайллари, миллий маросимлари, ўзбек халқининг амалий санъати, катталар меҳнати, болаларнинг ота-оналари, ака-опаларининг Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги иштироки, ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳалари, алоқа воситаси ҳақида билим бериш назарда тутилган. Ана шуларнинг барчаси болаларнинг теварак-атрофдаги ҳодисалар ҳақидаги билимларни аниқлаш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш асосида боғланишли нутқини ривожлантиришга ёрдам беради.

Бунда, биринчи навбатда, болалар сўз бойлигини

кенгайтиришда республикамиз табиати, касб-хунарга оид, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар, нарсаларнинг ўзига хос белгилари ва ранглари, меҳнатга муносабатни ифодаловчи тушунчалар, ном ва сўзлар билан бойитиш зарур. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш; она тилидаги антоним, синоним, омоним сўзларни тушуниш ва тўғри қўллашга доир тушунчалар, сўзлар билан бойитишга эришиш лозим. Болаларни нарсаларнинг номларини тўғри айтишга, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини тушуниш, шакли, ранги, сифати, хоссаларини, жинси ва турига оид йўналтирувчи луғатини фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш, нутқ маданиятини шакллантириш, диалогик ва монологик нутқини такомиллаштириш ва ниҳоят савод ўргатишга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Болалар боғчаларида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, уларнинг боғланишли нутқи ёшига кўра орқада қолиб, қатор камчиликлар мавжуд. Шунинг учун биз уларнинг нутқини кузатишда одатдаги ҳаётий фаолиятдан четга чиқмасликка ҳаракат қилдик. Бу жараёнда қуйидагиларга эътибор қаратилди:

1. Она тили бойлигидан унумли фойдаланиш.
2. Нутқни ривожлантирувчи омилларни тўғри белгилаш.
3. Нутқни ривожлантириш жараёни.
4. Нутқни ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик.
5. Нутқни ривожлантириш мазмуни.
6. Нутқни ривожлантириш шакллари.

7. Нутқда ижтимоий-маиший омилларнинг ўзаро алоқаси.

8. Сайрлар, ўйин ва меҳнат жараёни — нутқни ўстиришнинг муҳим воситаси эканлиги.

Болаларнинг нутқини ривожлантириш махсус ўрганилмайди, натижалари ишлаб чиқилиб, машғулотлар тизими белгилаб олинмайди, машғулотлар маълум мақсадга йўналтирилган ҳолда мунтазам ва изчил олиб борилмайди.

Мактабгача тарбия муассасаларининг катта гуруҳларида болаларнинг нутқи қай даражада шаклланганлигини аниқланиб, махсус топшириқлар рўйхатини ишлаб чиқилади, ҳар бир бола билан яқка тартибда олиб борилади.

I-топшириқ болага тавсия этилган эртак ёки ҳикояни қайта ҳикоя қилиб бера олишини аниқлаш. «Зумрад ва Қиммат», «Бўғирсоқ», «Икки эчки», «Ур, тўқмоқ», «Эчки болалари», «Тошбақа билан чаён» каби эртак ва ҳикоятлардан учтасини таклиф этилади. Бола эртакни эслай олмаса, шу эртакларга ишланган расмлар ҳавола қилинади.

Болалар ҳикояси қуйидаги кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади:

— ҳикояни мустақил баён қилиш (катталарнинг ёрдамисиз);

— матн мазмунининг тўлиқлиги;

— матнни баён қилишда изчиллик;

— ифода воситаларидан фойдаланиш кўникмаси;

— нутқнинг равонлиги.

Теварак-атрофдаги нарса-предметларга оид матнни қайта ҳикоя қилиб беришда болалар нутқида қуйидаги камчиликлар учраши мумкин:

- болалар эртакни ёрдамчи саволлар бермасдан туриб мустақил ҳикоя қила олмайди;
- матндаги сўзларга тақлид қилиб сўзлайди;
- баъзи муҳим воқеаларни тушириб қолдиради;
- бир оз тўхтаб-тўхтаб ҳикоя қилади, нутқда узилиш бўлади;
- нутқда ифодалилик етишмайди:
- бир хил тезликда, бир хил товушда ҳикоя қилади;
- ўзича баъзи сўзларни қўшиб, маъносиз ҳикоя қилади;
- катталар ёрдами воситасида ҳикоя қилади;
- ҳикоя қилиш жараёнида матн маъносини ўзгартириб юборади;
- мантиқий изчилликка риоя қилмайди.

Болаларга «Меҳмонда», «Уйча», «Мактабга йўл» мавзулари ва уларга ишланган расмлар тавсия этилади. Ҳикоя қилиш жараёнида йўл қўйган хатолари ва ютуқлари аниқланади.

Мазкур боғчаларда болаларнинг нутқини кузатганда қуйидагилар асосий мезон сифатида олинади:

- тавсия этилган матнни ҳикоя қилишда воқеани катталарнинг ёрдამисиз, мустақил баён эта олиши;
- матн мазмунини тўлиқ ифодалай олиши;
- матн мазмунини баён қилишда изчилликка риоя қилиши;
- ифода воситаларидан фойдалана олиши;
- нутқнинг равонлиги, тезлиги;
- жумлаларнинг грамматик жиҳатдан тўғри тузилганлиги;
- нутқ маданиятига риоя этиши.

Болаларнинг нутқини ўрганишнинг энг қулай усули, шубҳасиз, суҳбат методи ҳисобланади. Шунингдек, болаларнинг теварак-атрофда мавжуд бўлган нарсаларни кузатиш ва уларни таҳлил этиш, улар ҳақида сайрларда уюштирилган савол-жавоблар ҳам муҳимдир. Шу билан бирга, болаларнинг боғланишли нутқини ўрганишда уларнинг таржимаи ҳоли юзасидан олиб бориладиган кузатишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Болаларнинг нутқини ривожлантириш учун маълум бир тизимда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун боғча ёшидаги катта болаларда нутқни ўстириш дастурини такомиллаштириш ва уни бир бутун, яхлит жараён сифатида тарбия тизимига киритиш ҳамда мазмунини белгилаш зарур.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни теварак-атроф билан таништириш асосида нутқини ривожлантириш мавзу режасига қўйидагилар киритилади.

I. Теварак-атроф ва она-Ватан:

1. «Ўзбекистон – менинг Ватаним».
2. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, кўҳна Урганч, Хива, Қўқон – қадимий шаҳарлар.
3. 1 сентябрь – Ўзбекистоннинг мустақиллик кунини.
4. И.А.Каримов – Ўзбекистон Республикаси Президенти.
5. Тошкент метрополитени.
6. Мустақиллик майдони.
7. Тошкент театрлари.
8. Менинг шаҳрим, маҳаллам (кўчам, уйим).

9. Бир болага етти қўшни ота-она.
10. Оиламиз шажараси.
11. Бизнинг оила.
12. Она тилим — жону дилим.
13. Тил билган — эл билади.
14. Жонажон ўлка табиати (ҳайвонот дунёси, табиий бойлиги).
15. Ҳамдўстлик мамлакатлари.

II. Буюк сиймолар:

1. Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур — бизнинг боболаримиз.
2. Жалолоддин Мангуберди — буюк ватанпарвар.
3. «Алпомиш» достони — миллий ғуруримиз.
4. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Форобий ва Абу Али Ибн Синолар — буюк мутафаккирлар.
5. Алишер Навоий — буюк адиб.
6. Ўлкамизда донг таратган спортчилар, адиблар, санъаткорлар.

III. Байрамлар ва маросимлар, сайллар, урф-одатлар:

1. Янги йил байрами.
2. Наврўз байрами.
3. Хотира ва қадрлаш куни.
4. Мустақиллик байрами.
5. Оналар байрами.
6. Ватан посбонлари байрами.
7. Аскар йигит — менинг акам.
8. Конституция куни.

9. Сайллар: қовун сайли, ҳосил байрами, гул сайли
в.б.

IV. Ўзбек халқи ижоди:

1. Ўзбек халқининг хунармандчилик санъати.
2. Халқ меъморчилик санъати.
3. Халқ қўшиқлари, лапарлари, алла, эртақ, мақол ва топишмоқлар, тез айтишлар.
4. Тасвирий санъат асарлари.

V. Катталар меҳнати:

1. Саноат корхоналари (завод, фабрика, мебель фабрикаси, чинни ишлаб чиқариш корхонаси, нон-войхона в.б.) га саёҳат.

2. Касблар ҳақида маълумот (тикувчи, косиб, нонвой, ошпаз, бўёқчи, сувоқчи, ҳайдовчи, ип йигирувчи, тўқувчи ва ҳ.к.

3. Деҳқончилик, боғдорчилик соҳалари ҳақида маълумот.

4. Чўпон-чўлиқлар, сут соғувчилар меҳнати ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

5. Пиллакорлик меҳнати.

6. Курилиш объектларига саёҳат.

7. Курилишда ишлатиладиган асбоб-ускуналар.

8. Маиший хизмат кўрсатиш соҳалари.

9. Маданият ходимлари.

10. Йўл ҳаракати қоидалари.

11. Алоқа воситалари (почта, телефон, телеграф) хизмати.

VI. Болалар ўйинлари:

1. От ўйин, дўппи ўйин, ҳаммомпиш, тош ўйин, чиллак ўйин, варрак ўйин, лойсувоқ ўйин.

2. Читти гул, оқ теракми - кўк терак, тепдик - сандиқ очилди, бойчечагим бойланди, ҳақкалакам-дуккалакам.

3. Қорхат, Қорқиз, Қорбобо ўйинлари.

Юқоридаги мавзуларнинг ҳар бири болаларнинг теваарак-атроф ҳақидаги билимларини бойитиш билан бирга, боғланишли нутқини ҳам ривожлантиришга хизмат қилади.

Масалан, Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат натижа-сида болаларнинг луғат бойлигига бирданига бир неча мавзу бўйича сўзлар, бирикмалар қўшилди. Масалан, Амир Темур майдони, Амир Темур ҳайкали, Амир Темур - буюк саркарда, Тошкент меҳмонхоналари, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Ўзбекистон тарихи му-зейи, санъат саройи, Ҳамза номидаги академик драма театри, рус драма театри, Ўзбекистон миллий банки, санъат музейи, марказий универмаг, Чорсу бозори, Навоий кўчаси, ҳайвонот боғи кабилар шулар жумла-сидандир. Булар 5—6-ёшли болаларнинг кундалик турмушида ҳали ишлатилмаса-да, уларнинг хотираси кучли бўлгани боис сўз ва бирикмаларни яхши ўзлаштириб олдилар.

Болаларнинг нутқини ривожлантиришда, ай-ниқса, луғат бойлигини фаоллаштириш муҳим ва зарурдир.

Қишлоқ болалари кўпроқ ўйнайдиган ўйинлар бо-лаларнинг санокларни ўрганишига, нафас йўллари-ни ривожлантиришга ёрдам бериш билан бирга, луғат

бойлигини ошириб, фаоллаштиради. Бунда айниқса, кўшиқ-ўйинлар муҳим аҳамият касб этади:

Бир-икки, ўн олти,
Ўн олти деб ким айтди?
Ўн олти деб мен айтдим,
Ишонмасанг санаб кўр . . .
(Ўйиндаги болалар саналади).

Ёки:

Ҳаккалакам-дуккалакам,
Чори амал, бери амал,
Қайда эди, тоғда эди
Тоғман, зувман . . .
(Чиллақда зувилланади).

Айни пайтда кўшиқ-ўйинлар, топишмоқ-ўйинлар, саноқ ўйинлар болаларнинг билимини оширади, ақлини чархлайди, ҳозиржавоб, зукко этиб тарбиялайди.

«Читти гул-о, читти гул», «Оқ теракми - кўк терак», «Тепдим—сандиқ очилди» эртақ-ўйинлари ҳам худди шундай аҳамиятга эга ўйинлардан саналади.

Читти гул-о, читти гул,
Ҳай-ю, читти гул.
Читтигулга гул босай,
Ҳай-ю, читти гул.
Дукур-дукур от келди,
Чиқиб қаранг ким келди?
Аравада ун келди,
Чилдирмада пул келди.
Ҳай-ю, читти гул,
Ҳай-ю, читти гул.

Ёки қиш фаслида, офтоб чиққанда болалар севиб куйлайдиган «Офтоб чиқди оламга» кўшиғини олайлик:

Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим холамга,
— Хола, хола кулча бер.
Холам деди: — Чўпчак тер.
Чўпчак тердим бир қулоқ,
Кулча ёпди бир ўчоқ.

Ёз фасли билан боғлиқ «Лайлак келди, ёз бўлди...» қўшиғи ҳам болаларнинг сеvimли қўшиқларидан ҳисобланади:

Лайлак келди, ёз бўлди,
Қаноти қоғоз бўлди.
Лайлак боради тоққа,
Қулоқларида ҳалқа.
Ҳалқаси тушиб қолди,
Ўтирди йиғламоққа. . .

«Читти гул», «Дукур-дукур от келди», «Аравада ун», «Чилдирмада пул», «Офтоб чиқди оламга», «Чўпчак тер», «Кулча ёпди бир ўчоқ», «Лайлак келди, ёз бўлди, қаноти қоғоз бўлди» мазмуни гуллар, қушлар, нарсаларнинг номи, уларнинг асл ва кўчма маънолари, бадий таъсир воситалари, бир томондан болаларнинг тез ёдлаш қобилиятини ошириб, янги-янги сўзларнинг маъносини билиб олишларига ёрдам берса, иккинчи томондан, луғат бойлигини фаоллаштиради, нутқини равон қилади, она тилининг бойлигига, унинг серқирра жилоларига қизиқишини оширади. Болаликда ўйин жараёнида ёд олинган бу қўшиқлар ҳар бир инсоннинг қалбида умр бўйи сақланиб қолади.

Бундан ташқари, тавсия этилган мавзулар болалар нутқининг грамматик тузилишини шакллантиришда ҳам ёрдам беради. Болалар нутқининг грамматик

қурилишини шакллантириш эса нутқни ривожлантиришда энг муҳим талаблардан саналади.

Она тилининг грамматик тузилишини тушуниш — бу камолга етаётган ёш авлоднинг интеллектуал шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади. Болалар нутқ жараёнида сўзларни тўғри тузиш, уюшиқ бўлакли, содда ёйиқ ва йиғиқ гапларни тўғри қўллаш малакасини эгаллай борадилар. Улар теварак-атрофни кузатиш жараёнида, масалан, овқатланиш пайтида идишларни авайлаб асраш тўғрисида маълумотга эга бўладилар, гуруҳ хонасидаги буюмлар, уларнинг шакли, ранги, гуллар ва гулдонлар, кўғирчоқлар, ўйинчоқлар билан муомалада жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишга ҳаракат қиладилар.

Бизга маълумки, жуда кўп машқлар сайр пайтида уюштирилади. Масалан, сайр пайтида бир бола эшак миниб гуруҳ болалари ёнидан ўтиб қолади.

Болалардан бири ҳавас билан қарайди ва ўз ҳайратини қуйидагича ифодалайди: — «Вуй, ана у бола эшакда учаяпти».

Мураббий тузатади:

— эшакда училмайди, эшакка минилади. Сўнг болалардан сўрайди:

— яна нимага минилади?

— велосипедга минилади;

— поездга минилади;

— отга минилади;

— самолётга минилади.

Бошқа бир бола тузатади:

— поездга чиқилади, самолётда училади.

Болалар сайр пайтида баланд бинолар олдидан ўтишлари мумкин. Шунда қурувчилик касби,

қурилишда ишлатиладиган ғишт, ганч, қум, оҳақ ва бошқа қурилиш материаллари, қурувчилик касби — ганчкорлик, ғишт терувчи, сувоқчи; биноларнинг баландлиги, ғўзаллиги ва ҳоказолар ҳақида жумлалар тузадилар.

Гулзорлар, боғларга саёҳатлар давомида тарбиячи самолётлар, поездлар, гуллар, фавворалар ҳақида суҳбатлар уюштириши мумкин. Суҳбатларда предметларнинг ранги, туси, сони, катта-кичиклиги, тури, ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида ҳам машқ қилиб борилади.

«Нима ширин?», «нима учади?», «тушириб қолдирилган сўзларни топинг», «мен бошлайман, сиз давом эттиринг» каби машқлар ҳам грамматик жиҳатдан жумлаларни тўғри тузишга йўллайди.

Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда муҳимдир. Болалар кўпинча с-з, п-ф, т-д, п-б, у-ў, х-ҳ, қ-ғ товушларини тўғри талаффуз қила олмайдилар. Нутқ жараёнида кетаппан — кетаяпман, ҳожахон — Шоҳжаҳон, Йустам — Рустам, қалға — қарға каби талаффуз этишда йўл қўядиган хатоликларнинг олдини олиш, яъни тўғри талаффуз этишга йўллаш, овоз баландлигига, товуш суръатига эътибор бериш методик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Баъзи болалар ўздан кичикларни жеркиб, овозини кўтариб муомала қиладилар. Шунда улар талаффузига эътибор қаратиш, нутқ маданиятига, меъёрда сўзлаб, муомала қилишга ўргатиш зарур. Чунки болаликда таркиб топган муомала маданияти инсон умрининг охиригача муҳрланиб қолади.

Самимий муомала меъёри, ҳатто муомалада кўз қарашлари, бошқалар олдида ўзини тута билиш — муомала маданиятининг оддий талабларидир.

Сўзлашув (диалогик) нутқни шаклантириш, боғланишли нутқни таркиб топтиришда энг муҳим талаблардан саналади. Сўзлашув нутқи боланинг луғат бойлигига боғлиқ бўлади. Бунда бола ўзига му-рожаат қилганларида суҳбатдошини эшита олиш, тушуниш, саволларга тўғри жавоб бера олиш билан бирга, сўзлашув маданиятини эгаллай бориши ҳам тақозо этилади. Болалар билан суҳбат жараёнида кўпроқ йўналтирувчи саволлар берилади.

Масалан, табиатга саёҳат пайтида:

— Ҳозир йилнинг қайси фасли?

— Баҳорда табиатда қандай ўзгаришлар юз беради?

— Баҳорда қандай қушлар учиб келади? каби саволларнинг берилиши болаларнинг диалогик нутқининг ривожланишига ёрдам беради.

«Овчилар ва қуёнлар», «Оқсоқ бўри ва қўйлар», «Ниманинг пати?» каби ўйинлардаги савол-жавоблар ҳам болаларнинг диалогик нутқини ривожлантиради. Тарбиячи болаларга «ниманинг пати?» деб савол беради. Болалар жавоб берадилар:

— ўрдакники;

— қарғаники;

— бургутники.

Қушнинг номини такрор айтган бола бирор шартни бажаради: ўйинга тушади, шеър айтади ёки қўшиқ куйлайди.

Болаларнинг нутқини ривожлантиришда **моноло-гик нутқ** (ҳикоя қилиб бериш) айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Монологик нутқда юқорида са-

наб ўтилган боғланишли нутқ талабларининг барчаси жамланган бўлади.

Болаларнинг монологик нутқининг шаклланиши уларни мактабга тайёрлашнинг асосий шартларидан биридир. Зеро, нутқ болалар тафаккурини ва унга боғлиқ бўлган зеҳни ўткирлаш, зукколик каби хислатларни ҳам таркиб топтиради.

Болаларда ҳикоя қилиш кўникмаси унинг луғат бойлиги, жумла тузиш малакаси билан ҳам аҳамиятлидир.

Мактабгача катта ёшдаги болаларга муайян мавзулар бўйича эртақлар, расмлар асосида ҳикоя тузиш топшириғи ҳам берилиши мумкин. Бундай топшириқ устида ишлаш орқали уларда мустақиллик, ижодий фаоллик ривожлантирилади. «Бизнинг оила», «Баҳор фасли», «Ёз — ўтар соз», «Қалдирғочлар учиб келди», «Кўғирчоқ театрида», «Қиш», «Қор», «Қорбобонинг совғаси», «Қушлар бизнинг дўстимиз», «Менинг тўтиларим», «Ҳайвонот боғида», «Эртақлар мамлакатида», «Циркда», «Кўғирчоқларим — овунчоқларим», «Уч айиқ», «Куёнлар», «Қовоқполвон» ва бошқа мавзуларда ҳикоя тузишни тавсия этиш болаларни ниҳоятда қизиқтиради.

Ҳикоя қилиш болаларнинг жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш, товушларни, кўшимчаларни тўғри талаффуз этиш, ёшига мос даражада тасвирий воситалардан тўғри фойдалана олишига ёрдам бериб борилади.

Катталарнинг меҳнат жараёнини кузатиш, табиатга, ишлаб чиқариш корхоналарига, дарё, чўл, дала-ларга саёҳатлар асосида ҳикоялар тузишни тавсия этиш ҳам болаларнинг боғланишли нутқини ри-

вожлантиришда энг қулай усуллар саналади.

«Болалар боғчалари дастури»га биноан муайян мавзулар бўйича мустақил жумлалар тузиш, она тилига хос товуш, сўзларни тўғри талаффуз қилиш, нутқнинг таъсирчанлигига эришиш, расмлар асосида ҳикоя тузиш, кичик ҳажмли бадиий асарларни қайта ҳикоя қилиб бериш, манзарали расмлар асосида ҳикоялар тузиш талаб этилади. Лекин кузатишлар бу талабларнинг тўлиқ бажарилмаётганини кўрсатади.

Ваҳоланки, болаларнинг нутқини ривожлантиришда бадиий адабиётнинг имкониятлари каттадир.

Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари бадиий адабиётнинг энг ёрқин намуналари билан ҳар куни таништирилиб борилади. Ҳикоятлар, ривоятлар, эртаклар, мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар ва қўшиқлар улар нутқининг ифодалилигини таъминлаб қўя қолмайди, балки сўз захирасини ҳам бойитади, адабий тил имкониятларидан баҳраманд қилади.

«Болалар боғчалари учун дастур»да бадиий адабиёт намуналари билан танишиш учун тавсия этилган рўйхатидан машғулотлар ўтказишда кенг фойдаланиш мумкин.

Дастурда қўшимча адабиётлар ҳам тавсия этилган бўлиб, булар асосий адабиётлар воситасида ўтиладиган мавзуларни тўлдиришга ва машғулотларни янада бойитишга ёрдам беради.

Таянч тушунчалар:

Муҳит, муносабат, мулоқот, тизим, узвийлик, узлуксиз, фаоллик, тушунтириш.

6. БОҒЧА ЁШДАГИ КАТТА БОЛАЛАРНИНГ ТЕВАРАК-АТРОФНИ БИЛИШДА НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Теварак-атрофни ўрганиш жараёни бола тафаккурини ривожлантиришда бошқа ҳеч нарса билан алмаштириш мумкин бўлмаган ҳиссий рағбатлантиришга сабаб бўлади. Бундай рағбатланиш боғча ёшидаги катта болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Чунки теварак-атрофдаги предметлар, воқеликлар асосида туғиладиган ҳиссиёт бола тафаккурида ривожланиб, унинг тилига, жонли ифодага кўчади. Шунинг учун ҳам боланинг теварак-атрофдаги воқеликни билиб бориши, унинг гўзаллигини, битмас-туганмас мураккаблиklarини ҳис этиши, ижтимоий муносабатлар ва катталар дунёсига кириб бориши, унинг ҳар томонлама камол топиши билан бирга, боғланишли нутқининг ҳам бойиб, шаклланиб боришига олиб келади. Зеро, болалик дунёни завқланиб, ҳиссиётларга тўлиб идрок этиш, уни кашф қилиш билан уйғундир.

Маълумки, педагогик технология деганда ўқув-тарбия жараёнини олдиндан маълум тизимда узвий лойиҳалаш, маълум педагогик тизимнинг ҳаётда амалга ошириладиган лойиҳаси, қурилиши деган маъно тушунилади. Шу нуқтаи назардан қараганда мактабгача катта ёшдаги болаларда нутқни ривожлантириш ҳам маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир. Яъни

болаларда нутқни ривожлантириш мақсади, мазмуни, тарбия методлари, шакллари ва воситалари ифодаланган бир бутун тизим технологиясидир.

Биз ҳозирги давр талаби даражасида мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг бир бутун тизими, мазмуни, ўзига хос хусусиятларини аниқладик ҳамда энг янги талаблар даражасида уни амалга ошириш методлари, шакллари ва воситалари технологиясини ишлаб чиқдик.

Нутқда энг муҳим метод бу диалогик нутқ, яъни болалар билан сўзлашишдир. Сўзлашиш оғзаки нутқнинг энг оддий шакли бўлиб, унда бола ўзини тутиши, кўз қараши, хатти-ҳаракати, овозининг паст-баландлиги, тезлиги каби турли ҳолатлар ҳисобга олинади. Сўзлашиш — диалогик нутқ, асосан, катталар ёрдамида амалга оширилади ва у айниқса, тева-рак-атрофни билиш жараёнида яхши натижалар беради. Жумладан, жамоат жойларида, кўпчилик ўртасида нутқ маданиятига риоя этишга эътибор қаратилади.

Бунда бир-бирининг нутқини тўлдириб бориш, тузатишлар киритиш, сўраш, сўраб билиб олиш диалогик нутққа ўргатишнинг усуллари саналади.

Маълумки, мулоқот икки шаклда — эркин ва махсус тайёрланган машғулотларда амалга оширилади. Кундалик ҳаёт ва таассуротлар асосида уюштириладиган мулоқот эркин мулоқот бўлиб, йўл-йўлакай ўтказилса-да, бола нутқининг ифодали бўлишига ёрдам беради, уларда жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш малакаларининг пайдо бўлишига, сўз захирасининг бойишига олиб келади. Шу билан нутқ малакасининг ўзлаштирилишига замин бўлади. Болаларда кўпроқ гуруҳ билан қилинган сайрларда тева-

рак-атрофни кузатиб, тарбиячиси ва дўстлари билан сўзлашади, уйда эса оила-аъзолари билан мулоқот натижасида нутқи шакллана боради.

Махсус тайёрланадиган мулоқотлар эса дастур асосида муайян мавзулар бўйича уюштирилади.

Масалан, махсус тайёрланган суҳбатлар куйидагича тузилади: дастлаб мавзу белгиланади, унинг мақсади, воситалари аниқланади, саволлар тузилади. Лекин буларнинг ҳар бири—Нимага? Нима учун? Нимадан? Қандай қилиб? каби изланувчи ва муаммоли саволлар тарзида бўлиши зарур. Шу билан бирга, саволлар умумлаштирувчи характер касб этиши ҳам мумкин.

Бунда мулоқот машғулоти суҳбат, муқаддима, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади.

Масалан, «Баҳорда боғча ҳовлисига гул ўтқаздик» мавзуида суҳбат. Бу суҳбат боғча ҳовлисига гул ўтқазилгандан кейинги кун бўлиши мумкин.

Тарбиячи: Болалар, биз боғча ҳовлисига қанақа гулларни ўтқаздик? Ким қандай гул кўчати олиб келган эди?

Болалар: Биз атиргул, раъногул, лола, гулсафсар, карнайгул, хризантемаларни ўтқаздик.

Лола: Мен атиргул олиб келдим.

Захро: Мен раъногул кўчатини олиб келдим.

Меҳринисо: Мен хризантема кўчатини келтирдим.

Баҳром: Мен лола пиёзини олиб келдим.

Тарбиячи: Кимнинг гули қаерда ўсаётганини қандай қилиб билиб оласиз?

Лола: Гулларимиз очилганда билиб оламиз.

Тарбиячи: Уларни ким парвариш қилади?

Болалар: Ҳаммамиз парвариш қиламиз.

Шохруҳ: Боғбон бобомиз парвариш қиладилар.

Тарбиячи: Болалар, биз парвариш қиламизми, боғбон бобомизми?

Гулноза: Боғбон бобомиз кексалар. Биз у кишига гуллар парваришида ёрдам қилишимиз керак.

Тарбиячи: Тўғри, бу гулларни биз ўтқаздик, энди уларнинг парваришига ҳам ёрдам берамиз. Айтингчи, гуллар қандай парвариш қилинади?

Шоҳсанам: Сув қуямиз.

Лола: Тагини юмшатиб, чопиқ қиламиз.

Гулноза: Ўтлардан тозалаймиз.

Тарбиячи: Жуда тўғри жавоб бердингиз. Орангизда ўсаётган гулларни пайҳон қилиб ташлайдиган болалар ҳам борми?

Носир: Йўқ, биз ундай болаларни гулзоримизга қўймаймиз.

Лола: Гулларни юлиб бўлмайди, деб тушунтирамиз.

Тарбиячи: Жуда яхши айтдингиз. Гулларни пайҳон қилиб бўлмайди. Ҳар бир бола биттадан гул узаверса, нима бўлади? Гулларни юлиб ҳам бўлмайди. Чунки улар ҳаётимизни янада гўзал қилади.

Лола: Ҳаётни гўзал қилади, дегани нима дегани?

Тарбиячи: Гулзорда ҳамма гуллар очилганда, боғча ҳовлиси чиройли бўлиб кетади. Бундан ҳаммамиз қувонамиз. Боғчага боргимиз келаверади. Кайфиятимиз кўтарилади. Ҳамма югуриб-елиб иш қилгиси келади. Ана шуларнинг барчаси ҳаётнинг гўзаллигини англатади.

Сарвар: Демак, хонамиздаги гулларни ҳам парвариш қилсак, уларни кўпайтирсак, хонамиз ҳам чиройли ва гўзал бўлади.

Севара: Боғчамиз шинам бўлади, биз қувонамиз. Ҳар куни боғчамизга, гуруҳимизга келгимиз келаверади.

Болалар гуруҳи билан суҳбат уюштирилганда, суҳбат учун уларнинг кундалик турмушида учрайдиган транспорт турлари танланди. Суҳбат қуйидаги саволлар асосида олиб борилди:

1. Одамлар бир-бирлариникига, ишга, ўқишга нимада борадилар? (енгил автомобиль, трамвай, троллейбус, автобус).

2. Қуруқликда юрадиган қандай транспорт турларини биласиз? (трамвай, автобус, троллейбус, поезд, юк машиналари, енгил машиналар).

3. Сувда қандай транспорт турлари юради? (параход, қайиқ, катер, сув ости кемалари).

4. Ҳавода-чи? (самолёт, вертолёт, ракета, космик кема).

Суҳбат жараёнида болаларнинг мавзудан чалғиб кетиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Шунинг учун йўналтирувчи саволлардан ҳам фойдаланилди. Бу хилдаги суҳбатларда, албатта, болаларнинг барчаси қатнашиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги гуруҳ билан навбатдаги суҳбат сайрга чиқиш жараёнида олиб борилади. Сайрга ота-оналардан 2 киши ҳамроҳлик қилиши мумкин. Тарбиячининг махсус маслаҳатидан сўнг 2 та кичик гуруҳда суҳбат ўтказилади.

Сайр «Боғчадан шаҳар марказига саёҳат» деб аталади. Болалар сайрга трамвайда кетадилар.

Йўлда суҳбат қуйидагича давом этади:

Тарбиячи: Болалар, биз сайрга нимада кетяпмиз?
Болалар: Трамвайда.

Тарбиячи: Яна нималарда кетишимиз мумкин эди?

Нигора: Троллейбуста.

Зокир: Автобуста.

Шокир: Поездда.

Тарбиячи: Шаҳар ичида поезд юрадимми?

Равшан: Метро поезди юради-ку.

Тарбиячи: Жуда тўғри. Биз ҳозир трамвайда кетяпмиз. Шаҳар марказига троллейбус, автобус, метрода ҳам боришимиз мумкин.

Суҳбат жараёнида болаларнинг нутқ бўйича талай қийинчиликларга дуч келиши аниқланди.

Бу қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

- нутқда керакли сўзни топиб қўллаш;
- мавзуга оид фикрни аниқ ва равон баён этиш;
- ўз фикрини хулосалаш;
- фикрнинг изчиллигига риоя этиш;
- маънодош, уядош ҳамда қарама-қарши маъно ифодалаш имкониятларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

— нутқда бир-бирларини такрорлаш.

Кузатишлар суҳбат жараёнида тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг эркин мулоқотда бўлишлари ва фикр алмашишларига, болаларнинг тил воситаларини мустақил тарзда, мавзуга мос тарзда қўллашларига эришиш зарурлигини кўрсатди.

Масалан, «Транспорт турлари» мавзуси бўйича ўтказиладиган суҳбатда трамвай, троллейбус, автобус, поезд, самолёт, метро каби ҳар бир сўзнинг маъносини тушуниб ишлатилиши, бир-бирларининг фикрини ва тарбиячи фикрини давом эттирганда, хулосалаганда жумлалар, бирикмалар ва сўзларни тўғри тузиши ва ўз ўрнида ишлатишига эришиш нутқни ривож-

лантиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Диалог воситасида нутқни ривожлантиришда болаларнинг аниқ мавзу асосида қурилган суҳбатда қўлланган сўзларнинг маъноларини, масалан, транспорт турларининг фарқини англаб олишлари ва ана шу сўзлар қаторини тузишлари ҳам муҳим.

— Трамвай, троллейбус, автобус — транспорт турлари.

Улар нима билан юради?

— Трамвай, троллейбус электр токида юради.

— Автобус ва бошқа автомобиллар бензин ёрдамида юради.

— Самолёт ҳам бензин ёрдамида учади.

— Метро электр токи ёрдамида юради.

Тарбиячи: Буни қандай билиб олдинг?

Салим: Менинг дадам автобус ҳайдайдилар.

Раззоқ: Биз дадам, ойим билан Мустақиллик байрамида метрога тушиб, бувимни кўргани бордик. Ушанда унинг тоқда юришини билиб олдим.

Тарбиячи: Жуда яхши. Биз ҳам бугун Мустақиллик майдонини томоша қиламиз. У ерга трамвайда борамиз. Қайтишда эса метро ёки автобустга чиқамиз. Маъқулми, болалар?

Бундай суҳбатлар болаларнинг кундалик фаолиятида, сайру саёҳатларда самарали натижа бериши шубҳасиздир. Бунинг учун тарбиячи ана шу суҳбатларга олдиндан тайёргарлик кўриши, саволлар, тушунтиришлар, хулосаларни режалаштириши талаб этилади. Чунки саволлар болаларнинг жавоб беришини тақозо қилади, ўйлашга ўргатади, диалог эса болалар нутқини тўғри шакллантиради. Бунга ўргатиш учун ўйинлар ёки «вазиятлар» яратиш муҳим аҳамият

касб этади. Натижада болаларнинг ўзлари ҳам саволлар беришга, изланишга ўрганадилар.

«Телефон», «Тез ёрдам» типигаги ўйинлар болаларда катта қизиқиш уйғотишини кўрсатди.

Тарбиячи ўйинчоқ-телефонни олиб Салимага муурожаат қилади:

— Салима, бувинглар сени сўраяптилар, бувижонинг билан сўрашгин, ҳол-аҳволини билгин.

Салима телефонни олиб, «бувиси» билан сўзлашади:

— Ассалому алайкум, бувижон! Яхшимисиз, соғлигингиз қандай?

— ...

— Ҳа, ҳа, бизлар саломатмиз, ойимлар, дадамлар ҳам.

— ...

— Ҳа, ҳа. Улар сизга салом айтишяпти, Дилшод акам ҳам, Соҳиба опам ҳам.

— ...

— Хўп бўлади, уларни хафа қилмаймиз. Дам олиш куни сизни кўргани борамиз.

— ...

— Раҳмат, бувижон. Сиз ҳам соғ бўлинг, касал бўлманг.

Тарбиячи: Салима телефонда жуда яхши сўзлашди. Одоби, ширин сўзлари, меҳрибонлиги билан бувисини хурсанд қилди.

Қани, ким телефонда буви бўлади, у Салима билан гаплашади ва суҳбатни тўлдирари?

Раҳима: Мен «буви» бўламан.

6 ёшли болалар зукко бўлади. Раҳима суҳбатни қандай бўлса, шундайлигича эслаб қолади.

—
— Соғлиғим яхши, қизим, ўзинглар соғ-саломатмисизлар? Ойинг билан даданглар яхши юришибдими? Уларнинг соғлиғи қандай?

—
— Дилшод аканг, Соҳиба опангнинг ҳам соғлиғи яхшими?

—
— Яхши, раҳмат. Ойинг билан дадангларни хафа қилманглар, мен сизларни соғиндим, қачон келасизлар?

—
— Раҳмат, мен сизларни кутаман. Ширин кулчалар ёпиб қўяман, оппоғим.

Бундай ўйин-машғулотлар, роли ўйин-суҳбатлар болаларда, бир томондан, нутқ маданиятини тарбиялайди, иккинчи томондан, сўз заҳирасини бойитади.

Болалар билан ёз, куз, қиш, баҳор ойларида тарбиячи сайру саёҳатларда болаларнинг жавоб беришинигина талаб қилмасдан, уларни савол беришга ҳам ўргатиши зарур. Чунки саволлар изчилликни сақлаш, мантиққа риоя қилиш нутқни ривожлантиришга хизмат қилади.

Сайрларда болалар билан бирга дидактик ўйинлар ўйнаш, уларни фикрлашга, тасаввурларини кенгайтиришга йўллайди.

Масалан, «Қайси фасл қандай ўтади?» саволига болалар:

— Қиш совуқ, қор ёғади.

— Ёз иссиқ, қуёш чарақлайди, жазирама бўлади.

— Куз салқин, ёмғир ёғади. Қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар.

— Баҳор илиқ, ёмғир ёғади, шамол эсади, иссиқ ўлкаларга кетган қалдирғоч, булбул, кўк қарға каби қушлар қайтиб келадилар. Ариқ ва сув бўйларида қурбақалар қуриллайди.

— Кузда дарахтларнинг барглари сарғаяди.

— Баҳорда ҳамма ёқ ям-яшил бўлади.

— Ёзда ариқларда чўмиламиз.

Ёки шундай саволлар ҳам бериш мумкин:

«Қандай мевалар сариқ рангда бўлади?»

— Олма.

— Лимон.

— Ўрик.

— Сариқ гилос.

«Ёввойи ҳайвонларнинг номини айтинг».

— Айиқ.

— Шер.

— Бўри.

— Тулки.

— Йўлбарс.

Тарбиячи иккита ўхшаш сўз айтади. Болалар учинчи ўхшаш сўзни топадилар. Учунчиси нима?

— арча, тол, . . . терак;

— лола, бинафша, . . . чучмома;

— чумчуқ, қарға, . . . каптар.

Бу ўйинлар болаларни ҳайвонларни бир-биридан ажрата олишга, ўсимликларни фарқлашга, тез ва аниқ сўзлашга ўргатади.

Сайр-саёҳатлардаги суҳбатлардан мақсад, бир томондан, болаларни теварак-агроф, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан таништириш бўлса, иккинчи томондан, уларда мавсумий ўзгаришларнинг юз бериши билан боғлиқ нутқини шакллантириш ҳамдир.

Саёҳатга тайёргарлик жараёнида болаларга мавсумий кийиниш ва айти пайтдаги фаслга хос хусусиятлар ҳақида маълумот берилади.

Саёҳат давомида тарбиячи болаларга довдарахтлардаги ўзгаришни кузатиш вазифасини топширади. Бунинг учун қуйидагича саволлар билан муурожаат қилиш мумкин:

— Баҳорда ва ёзда (куз ва қишда) дарахтларнинг барги қандай рангда эди?

— Ҳозир дарахтларнинг барги қандай тус олибди?

— Ўт-ўланларнинг ранги-чи?

— Дарахтлардаги мевалар қайси фаслда пишади?

— Капалаклар баҳордагидан, ёздагидан кўпми, озми?

— Куз фасли нимаси билан гузал?

— Қиш фасли-чи?

Болалар бу саволларга жавоб берар экан, олма, хурмо баргларини солиштирадидилар. Олма барги сариқ, тўқ сариқ, қирмизи рангда рангин товланиши, хурмо баргларида ҳали яшиллик кетмаганлиги, ўт-ўланлар ҳам бирин-кетин сарғая бошлаганлигини кузатадилар ва олма хазанак қилиб, келтирилган саватларига, елим халталарга солиб оладилар.

Хурмолар ҳали терилиб олинмагани, аммо тўқ сариқ рангда ял-ял товланиши, уни бирданига дарахтдан узиб, еб бўлмаслиги, 3—4 кун уйда сақлаб, юмшай бошлагандан кейингина ейиш мумкинлиги, ўшанда мева тотли бўлиши тушунтирилади.

Бу сайрда болалар еб кўргану, аммо дарахтини, унда меваларнинг пишишини кўрмаган хурмо ҳақида маълумотга эга бўладилар. Баҳор келса, боғчалари ҳовлисига ҳам хурмо кўчати ўтқазишга келишадилар.

Сайр охирида болалар қизил, сарик, қирмизи барглардан териб, гулчамбар ясайдилар. Бундай сайрлар болаларнинг дунёқарашини шакллантиришга, луғат бойлигини оширишга, нутқини бойитишга ёрдам беради.

Куз фаслида қушларнинг учиб кетиши ҳақида ҳам мароқли суҳбат уюштириш мумкин. Суҳбатдан мақсад — болаларнинг кузда қушларнинг (қалдирғоч, чуғурчуқ ва бошқалар) учиб кетиши, қарғаларнинг учиб келиши ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва қушлар дунёсини кузатишга қизиқтириш бўлади.

Суҳбатга тайёрланиш жараёнида тарбиячи куйидаги саволларни белгилаб олиши мумкин:

— Ёзда қандай қушларни кўргансиз? Қайси қушларнинг овозини эшитгансиз?

— Қушларни таниб, билиб олишда сизга ким ёрдам берган?

— Қушлар куз охирида нима учун иссиқ ўлкаларга учиб кетади?

— Қишда нима учун пашша, чивин, капалак ва кўнғизлар кўринмай қолади?

— Ҳовлингизда мусича ва майналар борми? Улар нега учиб кетмайди?

Мазкур саволларга жавоблар, албатта, тарбиячи томонидан тўлдирилиб, тузатиб борилади. Болалар учун талай янгиликлар ҳам маълум бўлиб, бу янгиликларни зукколик билан ўзлаштириб олганликлари уларнинг нутқларида ҳам намоён бўлади.

Маълумки, ҳозирги даврда деярли кўпчилик хонадонларда тўтилар парвариш қилинади.

Шунинг учун, тўтилар ҳаёти билан боғлиқ саволлар асосидаги суҳбат болаларнинг қизиқишини янада

оширади ҳамда боғланишли нутқни ривожлантиришга ёрдам беради.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, болаларнинг тева-рак-атроф билан мулоқоти қанча кўп бўлса, уларнинг боғланишли нутқи шунчалик самарали ривожлана бо-ради. Теварак-атрофдаги рангин дунё улар тасавури ва дунёқарашини шакллантиришга, сўз захирасини бойитишга, нутқини ўстиришга рағбат уйғотади.

Айниқса, қиш фасли билан боғлиқ машғулотлар болаларнинг қизиқишига янада мос тушади. Масалан, боғча ҳовлисида қор ёғишини кузатиш жараёнида қуйидаги саволлар асосида суҳбат уюштириш мумкин:

— Қор учқуни нимага ўхшайди?

— Нима учун қор учқуни капалакка ўхшатила-ди?

— Қор учқунлари нима учун ҳар хил бўлади?

— Қорда юрганида одам нима учун совқотади-ю, қорбўрон ўйнаганида исиб кетади?

— Қор одам қачон эриб кетади?

— У нима учун эриб кетади?

— Сирпанчиқ ўйнаш учун нима қилиш керак?

Савол-жавоб жараёнида тарбиячи болаларни кун-далик ҳаёт билан таништира боради, табиатдаги ўзгаришларни кузатиш воситасида билимини бойи-тади, нутқини ривожлантиради. Савол-жавоб орқали болалар қор учқунларининг ҳар хил шаклда бўлиши, унинг турли тезликда ёғиши сабабларини билиб ола-дилар, ҳаво ҳарорати билан боғлиқ ўзгаришларни ту-шуниб етадилар, қиш мавсумидаги қизиқарли меҳнат жараёни билан танишадилар; қор кураш, супуриш, қор босган жойларда қушларга дон ташлаш учун жойлар тайёрлаш каби ишларни завқ-шавқ билан,

ҳамкорликда бажарадилар ва тарбиячи, тенгдошлари билан фаол мулоқотда бўладилар. Сўзлашув жараёнида ишлатиладиган «қор учқунлари», «капалак қор», «лўппи-лўппи қор учқуни», «қор кураш», «муз йўлак», «дон хўрак», «қор одам», «муз тепа» каби сўз ва сўз бирикмалари диалогик нутқни шакллантиришга йўл очади.

Нутқ ўстиришга оид машғулотлар самарадорлигини таъминлашда мавзуларнинг қизиқарлилиги алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, «Бойчечакнинг очилиши» мавзусидаги эрталик ўтказиш фикримиз далилидир.

Болалар боғчасининг катта гуруҳида эрталикка тайёрланишда болалар ролларга бўлиниб, бойчечак ҳақидаги шеърлар ва қўшиқлар тарқатилади.

Гуруҳ хонаси эрталиккача қоғоздан ишланган бойчечак, бинафша, лола каби гуллар билан безатилади.

Эрталик «Бойчечак» қўшиғи билан бошланади. Икки бола «Бойчечак» қўшиғини галма-гал ижро этади.

Жарчи бола бойчечак тергани ҳаммани далага чорлайди.

Болалар «Дала»да бойчечаклар – қоғоздан ясалган гулларни тера бошлайдилар ва қўшиқ куйлайдилар, рақс ижро этадилар. Қўшиқ ижроси ва рақсларда гуруҳнинг барча аъзолари иштирок этадилар.

«Бойчечакнинг очилиши» билан бир қаторда «Гуллар байрами» ҳам болалар севиб ўтказадиган эрталиклардандир. Уни ўтказишдан олдин гуруҳдаги барча болаларга гуллар ҳақида шеър, топишмоқ, рақслар бўлиб берилади, болалар Гулчи қиз, «Бойче-

чак», «Бинафша», «Лола», «Атиргул», «Райҳон», «Чучмома», «Бўтакўз», «Гулсафсар», «Номозшомгул», «Гулбеор», «Гулхайри» ва бошқа гуллар ролида шеърлар ёдлайдилар.

Бу хилдаги эрталиклар болаларда ҳам эстетик дидни тарбиялаш, ҳам нутқни ривожлантириш усуллари, воситалари сифатида катта ёрдам беради.

Савол-жавоблар асосида суҳбатлар ўтказиш орқали болаларда нутққа оид муайян даражада малака ҳосил қилгач, ҳикоя тузишга ўргатган маъқул.

Ҳикоя — бирор воқеа-ҳодисани кенгайтириб баён қилишдир. Ҳикоя тасвирий ва сюжетли бўлиши мумкин. Тасвирий ҳикоя — бу бирор предмет ёки воқеанинг ўзига хос томонларини баён этишдир.

Масалан, тарбиячи тўтиқушлар ҳақида машғулот ўтказиб, болаларга ҳикоя қилиб беришни топширишдан олдин тўтиқушлар ҳақида саволлар беради:

— Тўтиқушнинг патлари қанақа рангда?

— Тўтиқуш патлари унинг ҳамма ерида бир хил кўринишдами? Думи, бошидаги патлари қандай? Қаерида узунроқ, қаерида калтароқ?

— Идишга сув солиб қафасга кўямиз, қушлар нима қилади, чўмиладими, ичадими?

— Қушлар қандай учади, бир-бирининг патини нега чўқийди, нима учун шохдан-шоҳга кўнади?

— Қафаснинг ичига дон, тухум, творог, сабзи, олма соламиз. Тўтиқушларимиз уларнинг қайси бирини хуш кўриб ейди?

Бу саволлар воситасида болалар қушлар билан ишлашга ўрганадилар, саволлар натижасида ва кузатишлар асосида «Мен қушларга дон бердим» мавзусида ҳикоя тузиш топширилади.

Сўнг 5--6 боладан ҳикояни сўзлаб бериш сўралади.

Зебинисонинг ҳикояси ҳамманинг диққатини тортади:

«Дадам менга бозордан иккита тўти сотиб олиб бердилар. Тўтилар кичкина қафасчада эди. Иккинчи кун ини бор, чиройли, катта қафас олиб келдилар ва тўтиларни унга қўйиб юбордилар. Тўтилар кенг қафасга киргандан сўнг сайрай бошладилар, ҳам яйраб ўйнай бошладилар. Тўтиларнинг пати яшил, ҳаворанг, сариқ, кулранг бўлиб, товланиб турар эди. Улар бир-бирларининг патларини тозалай бошладилар. Тўтиларнинг патлари бош қисмида калта, думида, қанотларида узун. Кичик-кичик холчалари ҳам бор. Худди расмда атайлаб чизилгандек.

Ҳикоя тугагандан сўнг тарбиячи ҳикояларни таҳлил этиб, энг яхши тасвирий лавҳаларга, парчаларга болалар диққатини тортади: масалан, тўтиқушнинг патлари рангини Дилноза сариқ, баргранг, кулранг, оқ, ҳаворанг деб тасвирлайди.

«Тўтиқушлар нима учун шохдан-шоҳга кўнади?» деган саволга Дилбар: «Тўтиқушлар митти, жонсарақ кушлар, ўйнашни яхши кўради», — деди.

Сарвар эса: «Тўтиқушлар дон чўқийди, тухумни яхши кўради, сабзи, олма берсак ҳам ейди. Тўтиларга мева ва сабзавотлар жуда фойдали», — дейди.

Сюжетли ҳикояда ҳам бирор воқеа-ҳодиса ҳикоя қилинади.

Масалан, «Бизнинг оила», «Менинг дўстларим», «Алла», «Дўкон», «Бизнинг доктор», «Менинг кўчам», «Кўча ҳаракати қоидалари», «Мен ким бўлмоқчиман», «Сайрда», «Пахта теримида», «Меҳржон байрами»,

«Бизнинг қишлоқ» каби мавзулардаги ҳикоялар шакл жиҳатидангина эмас, мазмунан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳикояларни тузишда болаларнинг нималарга эътибор бериши тушунтирилади.

Ҳикоя тузиш жараёнида болаларнинг нарсаларни кўриб идрок этиши, эслаб ҳикоя қилиш, тасаввур этиб ҳикоя қилиш каби қисмларга бўлинади.

Кўрган нарсаларни идрок этиб ёки эслаб ҳикоя қилиш аниқ материаллар асосида тузилади. Улардан тасаввур этиб ҳикоя қилиш — ижодкорликни талаб қилади. Бу ҳикояларнинг ҳаммаси ҳам нутқнинг боғлиқлиги ва мақсадга йўналтирилганлиги билан муҳимдир.

Ҳикоя қилиш усуллари хилма-хилдир. Жумладан, тарбиячи томонидан ҳикоянинг қисқача намунаси берилиши мумкин. Бунда ҳикоянинг бир қисми тузилади ёки ўйин тарзида баён этилади.

Сўнг болаларнинг ўзлари ҳикоя тузадилар. Масалан, «Бизнинг доктор» ҳикояси қандай яратилганлигини кўриб чиқайлик.

Машғулотнинг мақсади тиббий ёрдам кўрсатиш намунасида беморларга ғамхўрлик туйғусини тарбиялаш орқали болалар нутқини ривожлантиришдан иборат.

Ҳикоя ўйин жараёнида ўйинчоқлар воситасида беморга тиббий ёрдам кўрсатиш, «бемор», «тез ёрдам» ходимлари билан мулоқот асосида тузилади.

Сардорнинг ҳикояси: «Санжар қовунни кўп еб кўйиб, қорни оғриб қолади. Отаси «тез ёрдам» чақиради. Доктор келиб, бемор Санжарга тезкор тиббий ёрдам кўрсатади. Санжарнинг отаси, онаси докторга ташаккур билдирадилар».

Меҳринисонинг ҳикояси: «Гулноза дам олиш куни опаси, синглиси билан ҳовлида ўйнади. Ойиси мураббо пиширгани бир челақ олхўри олиб келган эди. Гулноза, опаси, синглиси ўйнаб-ўйнаб чанқадилар. Олхўридан еб олиб, бир неча марта совуқ сув ичишди. Учаласининг ҳам қорни оғриб, иситмаси кўтарилди.

Уларни дадаси машинада поликлиникага олиб борди. Поликлиникада болалар доктори, ҳамшира опа уларга шошилиш ёрдам кўрсатди. Улар керакли дори-дармонларни олиб, тезда соғайиб кетдилар. Шундан сўнг ҳўл мева еб, қайнатилмаган сув ичмайдиган бўлдилар».

Ҳикоя тузишда унинг режаси, мазмунининг асосий қисмлари болалар томонидан муҳокама этилиб, маълум қисми баён қилинади. Болалар йўл қўйган ҳатолар тузатиб борилади ва охирида ҳулоса қилинади.

Боғчада «Боғча саҳнаси учун сабоқ» номли бир пардали, бир кўринишли пьеса саҳналаштирилиб, намойиш этилади ва болаларда катта қизиқиш уйғотади. Спектаклдан сўнг тарбиячи болалардан асар воқеаларини ҳикоя қилиб беришни сўрайди. Болалар кўрган-кузатганларини қолдирмасдан ҳикоя қилади:

Собир: Катта кўчада машиналар гиз-гиз ўтиб турганда, бирдан кўчанинг ўртасида самокат учиб келаётган Бўривой кўринади. У машиналарнинг ишорасига ҳам эътибор бермайди. Шунда светафор уни тўхтатади ва танбеҳ беради. Бўривой бунга эътибор бермай, қочиб қолади.

Санжар: Светафор ва қаердандир пайдо бўлган Бўривой куёнларни қувиб кетишади. Бўривой қўлга олинди. ДАН машинаси етиб келади ва Бўривой қафасга қамалади.

Зухра: Куёнлар Бўридан кутилганига хурсанд бўлганидан сакраб ўйнай бошлайдилар. Бирдан машиналардан бири куёнчани уриб юборади. «Тез ёрдам» машинаси етиб келади ва куёнчанинг оёғини гипслаб кўяди. Куёнлар йўл ҳаракати қоидасига риоя этмай кўчада ўйнаганлари учун шикаст ейдилар.

Ҳар учала тарбияланувчи ҳам йўл ҳаракати қоидаларини кузатганлари асосида эсда сақлаб қолганларини тўғри, изчил, гапириб берадилар.

Уларнинг ҳикоясини бошқа болалар тўлдирадилар. Катта гуруҳ болаларининг кузатган воқеани эсда сақлаши асосида нутқни ривожлантиришга ёрдам берувчи ҳикояси ҳам самарали эканлиги намоён бўлди. Кўрганларини эсда сақлаш асосида ҳикоя тузиш билан бир қаторда, ўйлаб, тасаввур этиш, ҳикоя қилиш ҳам нутқ ўстиришнинг самарали усулларидан саналади. Тасаввур этиш кичик ва ўрта боғча ёшидаги болаларда ўйин, кўриш, расм чизиш воситасида пайдо бўлса, нутқ фаолиятида катта ёшида таркиб топа бошлайди ва ижодий хусусият касб этади. Бола бунда ҳикояни ўзи яратади, ижод қилади, қаҳрамонларининг ҳаракатларини ўйлаб топади.

Бу фаолиятда «ўйлаш», «ўйлаб топиш», «ижод қилиш» муҳим саналади. Бунда дастлаб тарбиячи ҳикояни бошлаб бериши, сўнг болалар давом эттириши мумкин. Ана шу давом эттириш, тугаллаш жараёнида бола ўйлайди, ижод қилади. Ўйлаш, ҳикоя мазмунини «тўқиш»да болалар воқеа бўлган жой, вақти, мазмуни, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор берадилар. Айниқса, мазмун билан бирга болаларнинг нутқ шаклига эътибор бериледи.

Бу усулда кўргазмалилик, кузатиш муҳим рол ўйнайди. Болалар ўзлари ва тенгдошларининг нарсаларини таққослайдилар, ўхшаш ва фарқли томонларини билиб оладилар. Бу жараёнда ҳикояни «тўқиш» оддийдан мураккабга қараб боради. «Ким тез ва чиройли уй қура олади?» ўйини болаларнинг фикрлаш доираси ниҳоятда кенглигини кўрсатади. Машғулотнинг мақсади болаларни бир қаватли ва кўп қаватли уйлар қуриш, қурилиш воситалари, қурувчилар ҳақида ижодий тасаввур этишга, ўйлашга, фикр қилишга йўллаш, қурувчилар меҳнати билан таништириш асосида нутқини ривожлантиришдан иборатдир.

Қурилиш материаллари: гишт, панел, блоклар, кўтарма кранлар, юк машиналар, ишчилар учун иш қуроллари, уй макетлари, машғулот учун кўргазмали қуроллар вазифасини ўтайди.

Болалар уч гуруҳга бўлиниб, тарбиячининг топшириғи бўйича турар-жой, болалар боғчаси, дўкон қуришни бошлаб юборадилар. Қурилиш материаллари, иш қуроллари ҳар уч гуруҳга баб-баравар тақсимланди. Бир гуруҳ болалар расмга қараб, турар-жой биноси, иккинчи гуруҳ боғча, учинчи гуруҳ эса дўкон қурадилар. Болалар фақат расмдаги тасвирга қараб эмас, ўзларининг тасаввурларидаги иморатларни қуришлари мумкин. Масалан, расмдаги турар-жой биноси тўққиз қаватли панелли бино бўлса-да, кичкинтой қурувчилар негадир беш қаватли гиштли иморат қурадилар. Дўкон расмда икки қаватли бўлса, улар бир қаватли қилиб қурадилар.

Иморатларни қуришда бўш қолган болалар ҳам уч гуруҳга бўлиниб, «қурувчиларга» ёрдам берадилар (оғзаки).

Турар-жой ҳовлисига юк машиналари биринкетин кириб кела бошлайди. Булар янги турар-жойга кўчиб келаётган «хонадон»ларнинг юклари бўлиши мумкин.

Боғчада ҳам байрам — қабул маросими. Она-қўғирчоқлар ўғил-қизларини, қўлларида гулдасталари билан етаклаб келмоқдалар. Боғча опа-қўғирчоқлар уларни кутиб олаяптилар.

Дўкон ҳам гавжум. Ҳамма қўғирчоқлар харид билан банд.

Ниҳоят, асосий муаммо, болаларнинг ўзлари қурган бинолари ҳақидаги ҳикоялари тингланади.

Садриддин: Биз беш қаватли турар-жой биносини қуриб битирдик. Тўққиз қаватлик қурмадик, сабаби лифтлар тез-тез ишламай қолиб, буваларимиз, бувиларимиз чиқишга қийналадилар. Уйимизнинг кириш жойларини, меҳмонхона ва ётоқхоналарини, болалар хонасини ҳам кенг-кенг қилиб қурдик. ҳовлисида турли болалар майдончаси бор. Гулзорларга жой ажратдик. Тўйхонамиз ҳам бор. Кейин ҳар бир хонадон учун мевали боғчага ҳам жой ажратдик. Ёзда, иссиқда дарахтлар соясида ҳордиқ чиқарилади. Боғча ва дўконни уйимизга яқин жойга қурдик.

Лутфинисо: Тўғри, боғча турар-жойларга яқин бўлгани яхши. Биз маслаҳатлашиб, боғчани турар-жойларга яқин қурдик. Боғчамизнинг ҳовлиси кенг, кўркам, соя-салқин бўлишига, ўйин майдонларига эътибор бердик, яъни расмдагидан ўзгартирдик.

Сожида: Биз ҳам дўконни уйларга яқин қурдик. Оналаримиз ишдан қайтаётганда бизни боғчадан олиб, дўкондан харид қилиб, шундоқ уйимизга кириб кетаверадилар.

Ҳақиқатан ҳам болалар қурилишга ижодий, ҳаётий ёндашадилар ва бу ижодкорлик уларнинг нутқида ўз ифодасини топади. Шуниси ҳам борки, юқорида баён этаётган монологик нутқ усулларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида юз бермайди. Улар баъзи ҳикояларга қўшилиб кетиб, ижодий, эркин, бир бутун ҳикояни ифодалашни мумкин.

Буни биз кундалик фаолиятда болалар тўқиган ҳикоялар туркумидан билсак бўлади. Болалар тўқиган эртақ ва ҳикояларда ўзларига хос ўй-хаёллари, орзу-истаклари, тасаввурлари мурғак қалбдан тилга кўчади.

Ишимизнинг натижаси сифатида ана шу ҳикояларнинг баъзиларини намуна тарзида келтирамиз:

Рухсора: «Менинг дадам хурмо кўчати олиб келиб, баҳорда ҳовлимизга ўтқазган эдилар. Унда мен жуда кичкина бўлган эканман. Ҳозир мен ҳам, хурмо дарахти ҳам ўсдик. Унинг барглари жуда чиройли. Ёзда сояси қалин, биз дарахт салқинида роса ўйнаймиз. Меваси эса мазали. Мевасини узганимиздан сўнг биз қариндошларимизга, қўшниларимизга тарқатдик. Айниқса, бувам ва бувим дуо қилдилар: «Хурмо жаннатнинг меваси. Уни ардоқланг, кам бўлмайсиз». Бу йил дадам дарахтларни кўпайтирмоқчилар».

Нигина: «Мен октябрь ойида ойим билан Чинозга — холамникига бордим. Биринчи марта пахтазорни кўрдим. Пахталар лўппи-лўппи бўлиб очилган. Оппоқ дала. Куёшда кўзни қамаштиради.

Бир томонда машиналар пахта тераяпти. Ёшу кекса, болалар этак боғлаган. Мен ҳам пахта термоқчи бўлдим. Холам этак боғлаб қўйдилар. Лекин тезда белим оғриб қолди. Қишлоқдаги холамнинг болаларига

қойилман. Мен тенги қизлари ҳам пахта терди, ҳам молига ўт юлиб олди. Боғчага бормас экан».

Нурхон: «Биз оиламиз билан қишлоқдан кўчиб келганмиз. Қишлоқда мен куёш ботишини кўп кўрганман. Куёш ботганда уфқ қизариб, далалар қоронгилаша боради. Қоронғулик ҳамма ёққа бирдан ўрмалаб кетади. Лекин тераклар учи хали нурли кўринади. ҳамма ёққа бирдан жимлик чўкади. Лекин оқшомда ҳам одамлар тинмайдилар.

Саҳарда иссиқ нон ҳиди бутун қишлоқни тутиб кетади. Даладан қайтган аёллар сигирни соғиб, хамир қоради. Тонг отмай тандирга ўт ёқиб, тоғорадан тошай-тошай деб турган хамирдан нон ясаб, сутга йўғрилган иссиқ, бўрсилдоқ нонларни тандирдан узиб олади. Қишлоқ ҳаёти ана шундай, иссиқ, бўрсилдоқ нон ҳиди уфурган оппоқ тонг билан бошланади».

Равшан: «Олмалар гуллаганда боғ жуда чиройли бўлиб кетади. Куёш нурини олмоқчи бўлган оппоқ гулбарглар офтобга қараган. Шаббода туриб, олма гулларини силаб-сийпалайди. Шунда олма гуллари куйлагандек бўлади. Бу асаларилар куйи экан. Шаббода тинади. Гўё бутун боғ куйлагандек бўлади. Асаларилар гуллаган боғ тепасида ғужғон ўйнайди.

Юқоридаги ҳикоялардан кўриниб турибдики, она тилининг ҳиссий, эстетик маъно қирраларини бир вақтнинг ўзида англай борадилар, тил гўзаллигини, бойлигини ҳис этадилар.

Нутқ болаларнинг теварак-атроф гўзаллигини ифода этиш воситаси бўлиб қолгандагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Болаларнинг нутқини ривожлантириш, гап тузиш ва эртақларни келган жойидан давом эттиришни

Ўргатишда пиктограммалардан фойдаланиш яхши на-тижалар беради.

Ҳар бир мавзуга мос равишда ишланган пиктограммалар билан болалар таништирилади. Машифулотлар давомида ёки якунида расмлар чизилган кўرғазмалар болаларга тавсия этилади.

Масалан: 1-расмда бола, юрак (қора, қизил), кўз ва баҳор фасли тасвирланган.

Тарбиячи: Болалар расмга диққат билан қаранг. Баҳор фаслидаги қандай ўзгаришларни яхши ёки ёмон кўришингизни ифодалаб беринг.

Бола: Расмдаги тасвирни кўрсатиб, бу мен; юракни кўрсатиб — яхши; кўзни кўрсатиб — кўраман деб гап тузади.

Бола: Мен яхши (қизил юрак) кўраман баҳор фаслини, ундаги ўзгаришларни, қушларни, гулларни, дарахтларни;

ёки мен ёмон (қора юрак) кўраман ёмғирни, ҳашаротларни.

Болалар учун тавсия этилган (2–3-расм) пиктограммаларда «Касблар», «Транспорт турлари» мавзусида расмлар тасвирланган. Бу расмларда ҳам болалар нимани ёқтиришларини ёки ёқтирмасликларини сўзлаб берадилар.

Болаларни ўйлантирадиган, биров чалғитадиган расмлар ҳам тавсия этилади (4–5-расм). Масалан: «Нима, қаерда ўсади?», «Қурбақа нима ейди?».

«Нима, қаерда ...сади?» мавзусидаги расмда бола хўл мева ва сабзавотларни фарқлай олишлари ва улар қаерда, қачон ўсишини расм орқали кўрсатиб, сўзлаб берадилар (4-расм).

«Қурбақа нима ейди?» мавзусидаги расмда ҳам бо-


лаларни фикрлашга ҳамда нутқида аниқ ва рафон ифодалашга йўналтиради.





Тарбиячи болалардан ҳашарот турларини сўрайди ва расмга қараб туриб қурбақа нима ейишини, қайси ҳашарот ёнига боришини чизиклар ёрдамида кўрсатиб беришга таклиф этади.


Таянч тушунчалар:


Тасаввур, рағбат, фаол, эстетик, тасвирий, сюжетли, уфурган, бўрсилдоқ, ёндашиш, ижодкорлик.

И Л О В А










Kiina gaarda ösadi?



МУЖАССАМ МАШҒУЛОТ

(Она-Ватан ҳақида суҳбат)

I. Машғулотнинг мақсади:

Болаларнинг ўз она-Ватанига меҳр-муҳаббатларини тарбиялаш, халқпарвар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Ўзбекистоннинг бойлиги, яъни олтин кони, пахтаси, ипаги ҳақида олган билимларини кенгайтириш; жамоа аъзоларининг, олтин конида ишлаётган ишчиларнинг меҳнати машаққатли эканлиги ҳақида тушунча бериш. Оддий математик тушунчаларни кенгайтириш, ўзбек халқининг мустақиллиги ҳақида тушунча бериш. Ўзбекистон Республикасининг байроғи билан таништириш. Ўзбек миллий буюмларига муҳаббатларини уйғотиш. Нақш элементларини бадиий дид билан чизишга ўргатиш. Гаримдори гули шакли чизилган чизиқ бўйича қирқишга ўргатиш малакаларини ўстиришни мустаҳкамлаш, меҳнатсеварликни тарбиялаш.

II. Машғулотга тайёрланиш:

Болалар сонига етарли стол-стул, қоғозлар, мўйқалам, сув, салфетка, елим, қайчилар тайёрлаш.

III. Машғулотнинг тузилиши:

1. Ҳафта кунлари, фасллар ҳақида суҳбат.
2. Ўзбекистон ҳақида сўзлаб бериш.
3. Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти ҳақида суҳбат.
4. Пўлат Мўминнинг «Мустақиллик», «Ўзбекистон», «Пахта» шеърларини қайтариш.
5. Тасвирий фаолиятдан билган нарсаларини чиздириш.
6. Ўзбекистон ҳақида мақол ва кўшиқлар айтиш.

7. Яқунлаш.

IV. Машғулотнинг бориши:

Болаларга мақол айтиш билан машғулотни бошлаш.

1. Булбул чаманни севар, одам — Ватанни.

2. Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.

— Болалар бугун ҳафтанинг қайси куни?

— Жума.

— Тўғри, бугун ҳафтанинг жума куни.

— Болалар бир йилда неча фасл бор? (Болалар жавоби) тўғри.

— Ҳозир қайси фасл? (жавоби) тўғри.

— Куз фасли ҳақида ким шеър айтиб беради? «Куз» (Ш.Саъдулла). «Куз келди» (Уйғун). Жуда яхши.

— Болалар сиз яшаётган ўлкангизнинг номи нима?

— Ўзбекистон Республикаси.

— Тўғри.

Мен ҳозир сизларга Ўзбекистон Республикаси ҳақида сўзлаб бераман (болаларга Ўзбекистон ва унинг маркази Тошкент шаҳри ҳақида сўзлаб бериш). Сўнгра болаларга Ўзбекистон, мустақиллик ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш учун саволлар бериш.

1. Яқинда қандай байрам бўлди?

2. Ўзбекистоннинг пойтахти қайси шаҳар?

3. Ўзбекистоннинг қайси жойига саёҳатга бордингиз?

4. Байроғи қандай ранглардан иборат?

5. Қайси мадрасаларни биласиз?

— Кўкалдош мадрасаси (жавоблар).

6. Қайси меҳмонхоналарни биласиз?

– «Ўзбекистон», «Чорсу», «Тошкент» меҳмонхонаси. Тўғри.

– Болалар ҳозир ўзингиз хоҳлаган расмни чизасиз, буййсиз.

Болаларни машғулот давомида рағбатлантириб бориш, сўнгра дўппи ясаган боладан дўппи ҳақида шеър айтишни сўраш.

V. «Дўппи кийган бола» (Қамбар Ўтаев шеъри).

Дўпписини каштасида

Акс этади тўлим ей,

Тепасида нур сочиб

Тутар гўё сўлим ой.

Дўппи кийган боланинг

Йўллари эркинликдир

Дўппи кийган боланинг

Одоби қимматлидир.

Жуда яхши шеър айтинг, раҳмат (болалар жавоблари рағбатлантирилади).

Мана бу сиз, болалар, чиройли қилиб, байроқ, пахта шаклини чиздингиз. Чаманда гул қилиб дўппини нақшлар билан безатдингиз. Гул ва нақшларни кийиб, дўппига ёпиштирддингиз.

Раҳмат, болажонларим. энди кўшиқ эшитамиз (агарда вақт қолса «Холам меҳмонга келдилар» халқ миллий ўйинини ўйнаш билан якунлаш).

«ЗУМРАД ВА ҚИММАТ» ЭРТАГИ

(Ўзбек халқ эртаги)

Мақсад: Болаларнинг нутқини ривожлантириш, гап тузиш ва эртақни тўхтаган жойидан давом эттиришни ўргатиш; нутқда барча сўз туркумларини (от,

фeъл, сифат, сон) кўллаб, луғат бойлигини ўстириш.

Машғулот жиҳози: «Зумрад ва Қиммат» эртагига ишланган расмлар, катак дафтар, қалам ҳарфли карточкалар, чизиқлар.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Қани болалар, менинг ёнимга келинларчи... Жуфт-жуфт бўлиб туриб олинг. Сизлар бугун битта шартни бажаришингиз керак. Мана бу обрuch — сеҳрли дарвоза бўлади. Сизлар эса, қарама-қарши маъноли сўзларни айтиб, ўз жойларингизга ўтиришга рухсат оласиз. Мисол учун, бирингиз «узун» десангиз, иккинчингиз «қисқа» деб айтишингиз лозим.

Масалан тоза-кир, катта-кичик, кун-тун, ширин-аччиқ, паст-баланд, келди-кетди, яхши-ёмон, кўп-кам, тез-секин, соғ-касал, осмон-ер, ёш-қари, — деб болалар навбат билан жуфтлик антоним сўзларни айтиб, рамзий дарвозадан ўтиб, стол атрофида ўз жойларини эгаллашади ва машғулот давом этади.

Тарбиячи: Бугун биз сиз билан «Зумрад ва Қиммат» эртагини ифодали қилиб айтиб берамиз. Бунда бизга мана бу сеҳрли байроқ ёрдам беради. Мен эртакни бошлайман ва байроқни биринчи ўтирган Гулнозага бераман. Гулноза эртакни давом эттириб, байроқни ёнида ўтирган Камронга беради. Болалар эртакни диққат билан эшитиб, навбати келганда, давом эттиришлари керак. Шундай қилиб бошладик:

Тарбиячи: — «Бир бор экан, бир йўқ экан, чолу кампир яшаган экан» (байроқ болага узатилади).

Бола: — Чол билан кампирнинг иккита қизи бор экан. Уларнинг исми Зумрад ва Қиммат экан (байроқ бошқа болага узатилади).

Бола: — Зумрад отасининг кизи экан. У ақлли, одобли, меҳрибон, меҳнатсевар экан. Қиммат эса кампирнинг қизи экан. У одобсиз, ялқов, уйқичи қиз экан (байроқ бошқа болага узатилади).

Тарбиячи эртақнинг мантиқан тўғри давом эттирилишига, гапларнинг тўлиқ, чиройли тузилишига болаларнинг диққатини қаратади, зарур вақтда уларга ёрдам беради.

Тарбиячи: — Баракалла, эртақни жуда чиройли қилиб сўзлаб бердингиз. Энди ёзув машқларига ўтамиз. Сиз айтиб берган эртақ қаҳрамони «Зумрад ва Қиммат» эртагида сандиқ сўзи ишлатилади. Сандиқ сўзи «с» ҳарфи билан бошланади.

Тарбиячи: — Яна қандай сўзлар «с» ҳарфи билан бошланади?

(Болалар: сават, совун, сув, сочиқ, сурнак, сабзи).

Болалар доскада берилган намунага қараб расм чизадилар ва бўяб чиқадиладар.

Машгулот якунида фаол иштирок этган болалар рағбатлантирилади, яхши бажарилган топшириқлар барчага кўрсатилади.

Эртақнинг муҳим хусусиятларидан бири болаларда яхшиликка бўлган хислатларни ўстиради. Халқ томонидан яратилган кўплаб эртақларда болаларнинг ўзига хос ҳаёти яратилади.

ОЧ БЎРИ

Бор эканда, йўқ экан, оч эканда тўқ экан, бир оч бўри бўлган экан. Кунлардан бир куни у дон еб юрган бир хўрозни кўриб қолибди. Бўри хўрозни ушлаш пайига тушибди. Хўроз қанотини ёзиб қақ-қақ, дей-

ман деб турган экан, бӯри лип этиб келиб хўрознинг қанотидан тишлаб олибди. Хўроз кўрса, бӯри уни маҳкам ушлаб турган эмиш. Шунда хўроз сўрабди:

— Эй бӯри, мени нима қилмоқчисан?

— Мен сени ейман, — дебди бӯри.

— Мени шундайлигимча есанг ҳеч маза қил-массан, ейдиган бўлсанг кашнич, пиёз билан егинки, дунёда бир маза қилгин, — дебди хўроз.

Б ў р и: — Кашнич, пиёзни қаердан топаман? — дебди.

Х ў р о з: — Кашнич, пиёзни шу яқин орадаги қишлоқдан топасан, сен бориб келавер, мен сени шу ерда пойлаб тураман, — дебди. Бӯри кашнич, пиёз излаб кетиши биланоқ, хўроз париллаб учиб кетибди.

Бӯри кашнич, пиёзни қийналиб, зўрға топиб келибди. Қараса хўроз йўқ эмиш. У ёққа югурибди, бу ёққа югурибди, ниҳоят хўрозни тополмай, ночор йўлга тушибди.

Бӯри бир ердан ўтиб кетаётган экан, бир кўзи ўтлаб турганмиш, секин келиб кўзини ушлаб олибди.

К ў з и: — Эй, бӯри мени нима қилмоқчисан?— дебди.

Б ў р и: — Мен сени емоқчиман, — деб жавоб берибди.

— Менинг қуруқ гўштимни еганинг билан ҳеч маза қилмайсан, яхшиси бориб коннинг тузидан олиб кел, шундан кейин гўштимни маза қилиб еб, армондан чиқасан, — дебди кўзи.

Бӯри кўзини шу ерда қолдириб, кондан туз олиб келгани жўнаб кетибди. Шу пайтдан фойдаланиб кўзи қочиб қолибди. Бӯри сарсон-саргардон бўлиб кондан

туз олиб келса, кўзи қочиб кетган эмиш. Кўзини тоза излабди, ахири тополмай яна йўлга тушибди.

Бўри кенг чўлда югуриб кетаётган экан, унга бир от рўпара келиб қолибди. Бўри тез-тез юриб, отнинг олдига ўтиб олибди. От бўрига яқин бориб, уни искаган экан, бўри чаққонлик билан отнинг тумшугига ёпишиб олибди. От хўп уннаб кўрибди, лекин ўз тумшугини оч бўридан ажратиб ололмабди. Кейин от бир ҳийла қилмоқчи бўлибди:

— Эй бўри, нима қилмоқчисан? — дебди.

— Мен сени емоқчиман, — дебди бўри.

— Ундай бўлса, — дебди от, — аввал менинг орқамга ўт, отам ўлмасдан аввал туёғимга бир насиҳатнома ёзиб қолдирган эди. Шу насиҳатнома сенга тегишли, сен шунга ўқиб олиб, сўнгра мени ея қол, — дебди. Бўри отнинг тумшугини бўшатиб, унинг орқасига ўтибди, отнинг туёғидаги хатни ўқийман деб эгилиб термилибди, маҳлиё бўлиб турган вақтида от туёғини кўтариб, бўрининг оғзига бир тепибди.

— Эй саводсиз, хатни ўқиёлмасанг нима орқамга ўтдинг? — дебди от.

Ҳақиқатан ҳам бўри саводсиз экан. Отнинг қаттиқ тепкисидан бўрининг оғзида бита ҳам тиши қолмай, синиб ичига кетиб қолибди. Бўрининг тумшуклари мажақланиб эсини йўқотиб гангиб қолибди, бир вақт ҳушига келибди. Бўри ақлини ростлаб, ўзи ўзига таскин бериб, дебди:

— Кўрдингки хўроз, сенга ким кўйибди кашничу пиёз, кўрдингки кўзини, сенга ким кўйибди коннинг тузини, кўрдингки от, еб ёнида ёт, хат билмасанг кетига ўтиб мирза бўлишинг уят, деб алжираб-алжираб

ўлиб қолибди. Хўроз, кўзи ва от душмандан кутилиб қолишибди.

НОН ИСИ

Алишер Навоий

Саҳнада сарой кўриниши тасвирланади. «Нон иси» ривоятини саҳналаштириш учун зарур бўлган барча жиҳозлар ҳозирланади. Иштирокчилар барчаси ўз ўрнини эгаллайди.

Бир куни подшоҳ Хусайн Бойқаро ўз хузурига вазирларини чақирибди: — Дунёдаги энг хушбўй нарса-ни келтиринг!

Ўнг қўл вазир бир даста атиргул келтирибди.

Вазир: — Мана шоҳим.

Шоҳ: — Йўқ, мен айтган нарса бу эмас.

Чап қўл вазир қалампирмунчоқ келтирибди.

Вазир: — Мана, шоҳим, марҳамат.

Шоҳ: — Йўқ. Мен айтган нарса бу эмас. Сизларга уч кун муҳлат, топсаларингиз - топдингиз, топмасаларингиз, ҳаммангизни жазолаймен!

Вазирлар нима қилишларини билмай, роса бошлари қотибди. Ўйлай-ўйлай, Алишер Навоийнинг хузурига бориб, маслаҳат сўрашга қарор қилишибди.

— Ассалому-алайкум, тақсир.

— Ваалайкум ассалом. Келинглари, хуш кўрдик, марҳамат.

Вазир: — Эй, меҳрибон устоз! Бизни жазодан қутқаринг. Шоҳимиз дунёда энг хушбўй исли нарсани келтиришимизни буюриб эдилар. Шунини ҳеч топаолмаяпмиз. Паноҳингизга олинг.

Навоий: — Бу жумбоқни очадурғон киши —

Дехқон бободур. Қани, юринглар-чи, сўраймиз.

Ҳаммалари биргалашиб, Дехқон бобо ҳузурига борибдилар.

Дехқон: — Отам раҳматли тандирдан янги узилган нон исидан хушбўйроқ нарса йўқ, дегувчи эдилар. Янги ёпилган нон олиб боринглар-чи, шоҳга маъқул келса, ажабмас.

Навоий янги узилган нонни саватга солиб, шоҳ ҳузурига кирибди.

Навоий: — Мана, шоҳим. Дунёда хушбўй ҳидли нарса — тандирдан янги узилган нондир.

Шоҳ: — Раҳмат, дўстим, кўнглим истаган нарсани сиз топиб келтирибсиз.

Навоий: — Шоҳим раҳматни менга эмас, Дехқон бобога айтинг, кўнглингизнинг истагини шу киши топди.

Шоҳ чапак чалиб, мулозимларини чақирибди.

Шоҳ: — Дехқонга сарпо кийдилинг!

Шоҳ ҳазинабони дехқонга сарпо кийдирибди.

Дехқон: — Қуллуқ, шоҳим, қуллуқ.

Ўзбек халқ мақоллари болаларни тарбиялайди ва уларга ҳаётдаги янгиликларни ўргатади.

Ўзбек халқ мақоллари

Ишлаган — тишлайди,

Ишламаган — кишнайди.

Боғни боқсанг, боғ бўлади,

Ботмон даҳсар ёғ бўлади.

Боқимсиз боғ тоғ бўлади,

Юрак-бағринг қон бўлади.

Дехқон бўлсанг куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг, юз ҳайда!

Олтин ўтда, одам меҳнатда билинар.

Бугунги ишни эртага қўйма!

Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз.

Барвақт қилинган ҳаракат,
Ҳосилга берар баракат.

Бир йил тут эккан киши
Юз йил гавҳар теради.

Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун ўрасан.

Бирни кессанг, ўнни эк!

Бобонгнинг тол эккани —
Ёзига нон эккани.

Гап билан шошма,
Иш билан шош!
Иш сени енгмасин,
Сен ишни енг!

Кўпчилик қўлда унум кўп.

Иш қуролинг соз бўлса,
Машаққатинг оз бўлар.

Ҳалол меҳнат — яхши одат,
Берур сенга саодат.

Каттага ҳурматда бўл,
Кичикка хизматда бўл.

Она-бола — гул билан лола.

Одам боласи — элнинг лоласи.

Одобли бола элга манзур.

Одам одам билан,
Писта бодом билан.

Эшик очиқ бўлса ҳам сўраб кир.

Оқ кўнгилликнинг юзи кўркам.

Оз сўзла — соз сўзла.

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

Одоб бозорда сотилмас.

Ялқовликнинг охири — хўрлик.

Нафси ёмон ҳайитда ўлар.

Уят ўлимдан қаттиқ.

Ёзи юзсиз, сўз тузсиз.

Билимдан ортиқ бойлик йўқ.

Ёқиган ўқдан ўзар.

Билим — ақл чироғи.

Ақл ёшда эмас, бошда.

Аҳмоқ ўзини мақтар.

Ўқиган ўғил отадан улуғ.

Олим бўлсанг, олам сенники.

Аввал ўйла, кейин сўйла.

Икки тингла, бир сўзла.

Ширин сўз шакардан ширин.

Кўпдан кўён қочиб қутилмас.

Бирликсиз куч бўлмас.

Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.

Дўстсиз бошим, тузсиз ошим.

Етти ўлчаб бир кес.

Кўз кўрқоқ, кўл ботир.

Йигит сўзидан,
Арслон изидан қайтмас.

Дарахт бир ерда кўкаради.

Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.

Ёмоннинг юзи қурсин,
Гапирган сўзи қурсин.

Ёмон йўлдош ёв бўлар,
Равон йўлда ғов бўлар.

Эгри озади, тўғри ўзади.

Топишмоқлар болаларни ўйлашга, топқирликка ўргатувчи қадимий жанрлардан биридир.

Ўзбек халқ топишмоқлари

Тунда кўриб, чўғ дейсан,
Тонгда туриб, йўқ дейсан.
(Юлдуз)

Керагида сувга отасан,
Қимирлашин пойлаб ётасан.
(Қармоқ)

Қўшалок товоқ,
Ичи тўла ёғ.
(Ёнғоқ)

Ойна эмас жимирлар,
Тек туролмас, қимирлар.
(Сув)

Қўлсиз, оёқсиз эшик очар.
(Шамол)

Касби доим тақир-туқур,
Қайда илон кўрса чўқир.
(Лайлак)

Катта оппоқ дастурхон,
Ер юзини қоплаган.
(Қор)

Бирлаштириб кийимни,
Иссиқ тутади сизни.

(Тугма)

Оғзи йўғу, тиши бор,
Дурадгорда иши бор.

(Аппа)

Кундалик тарих ўзи,
Ҳар ерда унинг сўзи.

(Газета)

Тикувчимас,
Бичувчимас,
Нинаси анча экан.

(Типратикан)

Икки ажиб қулоғи бор:
Бири тинглар, бири сўзлар.

(Телефон трубкаси)

Ўзи қизил, гўзал бирам,
Қирга ёзар қизил гилам.

(Лолақизғалдоқ)

Пилла каби бўғиндор,
Ҳар бўғинда мағзи бор.

(Ерёнғоқ)

Бодом каби япроғи,
Солланади бутоғи,
Ўзи ширин, туклигина,

Мазаси ҳам тотлигина,
(Шафтоли)

Бир онадан юз бола,
Юзови ҳам бўз бола.
(Узум)

Хўппа семиз, бир туки йўқ.
(Тарвуз)

Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор.
(Пиёз)

Узун терак, ичи ковак.
(Қамиш)

Пиширсанг ош бўлур,
Пиширмасанг қуш бўлур.
(Тухум)

Чопса чопилмайди,
Кўмса кўмилмайди.
(Соя)

Тез айтиш оғзаки нутқ машқи бўлиб, 6—7 ёшдаги болаларни маълум товушларни тўғри ва оҳангдор талаффуз қилиш кўникмаларини орттиради. Фикрлаш қобилиятларини ўстиради, хотираларини мустаҳкамлайди.

Тез айтишлар

Эркин эгатга эртакни экинни эрталаб эқди.

Шокир шолিপояда шовқин солиб, шақилдоқни шақиллатди.

Бир жуфт чўп кўпми, қўш жуфт чўп кўпми.

Жамила жийдани жойига жойлади.

Шу мушук, шум мушук, шумшук мушук.

Тез айтишни тез-тез айт.

Совуқда тустовуқ совуқ қотди.

Боқи боққа, Соқи тоққа борди.

Қўш қўлқоп, қўшови ҳам бўш қўлқоп.

Гулсара гул саралаб гул санади.

Тубсиз денгиз дедингизми, денгиз тенгсиз деденгизми?

Ёктам кўм-кўк, кўркам кўклам расмини кўп кўк
қаламда чизмоқчи.

Занжир, саржин, анжир.

Курилишга терак керак,
Демак, эқмоқ керак терак.

Толиб турипни тарозида тортиб топширди.

Оқ чойнакка оқ қопқок, кўк чойнакка кўк
қопқок.

Олтин ўтлоқ — оқ ўтлоқ.

ХУЛОСА

Мактабгача катта ёшдаги болаларда теварак-атрофни кузатиш ва ундаги воқеа-ҳодисаларни англаш воситасида нутқни ривожлантириш қўйидаги омилларни ҳисобга олишни тақозо этади:

— мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ёш хусусияти, уларнинг билиш фаолиятида манбаларнинг қулайлиги, сўз захирасини бойитиш;

— теварак-атроф манбалари — ҳайвонот дунёси, табиат ҳодисалари, ўсимликлар дунёси, одамларнинг меҳнат жараёни, хўжалик соҳалари, алоқа воситалари, электростанциялар, денгиз, кўллар, дарёлар ва шаршаралар, тоғлар, ғорлар, баландликлар, осмон, қойно, ўйинчоқлар, китоб ва расмлар бўлиб, уларни гуруҳларга бўлиб боғланишли нутқни ривожлантириш.

Бу борадаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, болаларнинг нутқини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари, самарали шакл ва методлари ишлаб чиқилмаган. Шунга кўра мактабгача катта ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг моҳияти, илмий-назарий жиҳатлари, уни амалга ошириш қонуниятлари, шарт-шароитлари, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари белгилаб олинди. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни ўрганишда нутқни ривожлантириш жадвали ишлаб чиқилди ва болаларда нутқни мақсадга мувофиқ ривожлантириш қўйидаги ҳолларда юқори самара беришга тўғрисида қатъий хулосага келинди:

• нутқда адабий тил меъёрлари қоидаларига риоя этиш;

• ўз фикрини ифодалашда тилнинг лексик ва грамматик қоидаларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиш;

• ўз тенгдошлари ҳамда катта ёшлилар билан мулоқотга кира олиш;

• ўз суҳбатдошини тинглай олиш ва унга тўғри савол бериш, саволларга жавоб қайтариш, заруриятга кўра тушунтира олиш;

• монологик ва диалогик нутқ малакасига эга бўлиш;

• нутқда товуш маданиятига риоя этиш;

• сўз захирасини бойитиб бориш;

• нутқнинг грамматик тузилишига эътибор бериш;

• нутқнинг ривожланишини таъминлаш.

Мазкур илмий-методик талаблар бевосита маълум тизимда, мақсадга йўналтирилган технология асосида амалга оширилади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни ўрганишда нутқини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишдан олдин унинг мазмуни белгилаб олинади ва ташкилий-методик хусусиятлари аниқланади. Бу талаблар болаларнинг мактабгача тарбия ёшининг барча босқичларида амалга оширилиб, болаларнинг ёш хусусияти, ўзига хос тайёргарлиги даражаси ҳисобга олинади. Мактабгача катта ёшли болаларнинг теварак-атрофни идрок қилиш, ҳис этиш, уни тушуниши асосида нутқини ривожлантиришга доир талаблар «Болалар боғчалари учун дастур»да маълум даражада ўз ифодасини топган. Аммо уни амалга ошириш йўллари, шакл ва методлари, изчил, илмий-амалий, методик жиҳатдан мақсадга му-

вофиқ ташкил этилмагани маълум бўлди. Чунки кўпчилик болалар нутқида чекланишлар мавжуд бўлиб, улар фикрини ёрдамчи саволлар асосидагина баён эта олади; айримлари матнга тақлид қилиб, айнан матннинг ўзини ҳикоя қилади; баъзилари муҳим воқеаларни тушириб қолдиради. Воқеа-ҳодисаларни бир хил оҳангда бир хил тезликда ҳикоя қиладиган, ўзича ортиқча сўзларни кўшиб мазмунсиз ҳикоя қиладиган, матн мазмунини ўзгартириб, мантиқий изчилликка риоя этадиган болалар ҳам талайгинадир.

Шунинг учун ҳам мактабгача катта ёшдаги болаларда ҳам нутқни ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилганда тавсия этилган матнни ҳикоя қилишда воқеани катталарнинг ёрдамисиз, мустақил ифодалай олишга, луғат бойлигига, матн мазмунини баён этишда изчилликка риоя қилиши, тилнинг ифода воситаларидан фойдалана олиши, нутқнинг равллиги, тезлиги, жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри туза олиши, товушларни тўғри талаффуз этиши, нутқ маданиятига риоя этишига қаратилади.

Мазкур технологиянинг самарадорлиги саёҳатларда, ўйин воситаларида, махсус ташкил этилган машғулотларда ёки табиий ҳолда вужудга келган суҳбатлар, турли вазиятлар яратиш, сўровномалар, интервью, рейтинг каби ташхис кўювчи методлар воситасида аниқланди.

Юқоридагилар асосида қуйидаги хулосага келдик:

1. Мактабгача тарбия таълим тизимининг энг муҳим соҳаси бўлиб баркамол авлод асосан, ана шу бўғинда шаклланади. Шунга кўра мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда нутқни ривожлантириш ҳам таълим-

нинг энг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб ҳисобланади. Мактабгача тарбия соҳасида болаларнинг нутқини ривожлантириш борасида муҳим тадқиқотлар олиб борилгани ҳолда нутқни ривожлантириш, айниқса, бу муаммонинг болаларда энг самарали давр саналган боғча ёшидаги катта болаларда теваarak-атрофни ўрганиш жараёнида таркиб топтириш назардан четда қолган.

2. Бу муаммони илмий-педагогик ва амалий жиҳатдан ҳал этишда уни дастлаб тўғри режалаштириш ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш, болаларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, бу борада таълимнинг илғор технологияларини татбиқ этиш, айниқса, бу жараённи теваarak-атрофни ўрганиш жараёнида болаларнинг эркин фаолияти орқали амалга ошириш муҳим ва зарурдир.

3. Болаларнинг теваarak-атрофни ўрганишда нутқини ривожлантиришда умумий масалалар билан бир қаторда, иккинчи даражали масалаларни ҳам ажратиб олиш ва шу асосда унинг асосий йўналишлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқиш илм-фан олдидаги долзарб масалалардандир. Шунинг учун ҳам мактабгача катта ёшдаги болаларнинг теваarak-атрофни ўрганишда нутқини ривожлантириш мазмуни ва ташкилий-методик хусусиятларини белгилаб олиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

4. Боғча ёшидаги катта болаларнинг теваarak-атрофни ўрганишда нутқини ривожлантириш энг замонавий технологияларни қўллаш, фикр ва жонли сўз, она тилининг ҳиссий-эстетик маъно қирраларини англаб олиш, унинг гўзаллиги, софлиги, бойлигини ҳис этиш орқали амалга оширилади.

Мавзулар юзасидан саволлар:

1. Болалар нутқини шакллантиришда қайси методлар энг қулай деб ҳисоблайсиз?
2. Диологик нутқни шакллантиришга доир машғулотлар қайси методлар асосида ўтказилади?
3. Болаларни монолога ўргатиш методларини айтиб беринг.
4. Болаларнинг сўз бойлигини қандай ривожлантириш мумкин?
5. Дидактик жараённи ташкил қилишда тарбиячининг роли қандай?
6. Замонавий педагогик технологияларнинг мазмунини тушунтириб бера оласизми?
7. Болаларни фикрлаш маҳоратини қандай йўлга қўйиш мумкин?
8. Атроф-муҳитни фаол ўзлаштиришга болаларни қандай жалб этиш мумкин?
9. Нутқнинг нечта тури мавжуд?
10. Болаларни сўзлашга ва ҳикоя қилишга қандай одатлантирилади?
11. Назорат-текширув суҳбатлари тарбиячи томонидан нима мақсадда ўтказилади?
12. Такрорловчи ва умумлаштирувчи суҳбатларда тарбиячи болаларга нималарни ўргатади?
13. Нутқни самарали ривожлантириш учун нималарга эътибор қаратилади?
14. Болаларнинг кундалик ҳаётига боғлаб олиб бориладиган қандай мавзуларни танлар эдингиз?
15. Ижодий топшириқларни қандай бажара оласиз?
16. Халқ оғзаки ижоди билан таништириш методикасидан қандай фойдаланасиз?

ИЗОҲЛИ ЛУФАТ (глоссарий)

Авторитет — шахснинг бошқалар эътироф қилган обрўси, фазилати, бошқаларга нисбатан таъсири ва улар томонидан қадрланиши. Авторитет чин ёки сохта бўлади.

Амалий тафаккур — реал ҳаётда синаш, кузатиш, тажриба тўплаш жараёнида юз бериб назарий тафаккур билан таққосланади. У мақсад қўйиш ва уни режалаштириш, амалга ошириш билан боғлиқ.

Ахлоқ — шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ қоидалари, ижтимоий онг шакллари-дан бири.

Билим олиш — идрок этиш, ўрганиш, машқ қилиш ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор ҳамда фаолият кўникма, малакаларининг мустаҳкамланиб, мавжуд билимларнинг такомиллашиб, бойиб бориш жараёни.

Бихевиоризм — психологик-педагогик концепция бўлиб, инсонга технократик тарбия бериш нуқтаи назаридан ёндашади. У инсон ҳақидаги фандаги эришилган ютуқларга асосланиб, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари, қобилияти, саъй-ҳаракати ва танловига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этади ва бунда замонавий методлардан фойдаланади, у инсонда иқтисодий фикрлаш, тафаккурни шакллантириш масалаларига алоҳида диққат қаратган йўналиш бихевиоризм ҳисобланади.

Вазифа — қўйилган мақсадни амалга ошириш босқичларининг мазмуни.

Дидактика — (юнон-didaklikos — ўқитадиган,

ўргатадиган) педагогиканинг билим олиш, таълим ва тарбия назариясига оид таркибий қисми. Таълим-тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Дидактика «нима?» ва «нима учун?» ўқитиш керак, деган саволлар билан шуғулланади.

Дунёқараш — шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи қарашлар, эътиқод ҳамда фикр-ўйлар тизими.

Кузатиш — бирор (педагогик ва бошқа) ҳодиса, жараён бўйича аниқ фактлар, далиллар, ахборот олиш мақсадини кўзланган идрок этишнинг шакли.

Кўникма — шахснинг ўрганиш натижасида қўлга киритган муайян фаолиятни ташкил эта олиш, бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш қобилияти; онгли фаолият (ҳаракат)ни тез, тежамли, тўғри, кам жисмоний ва асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш. Шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастлабки шаклланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жиддий диққат билан бажарилади, кейинги босқичларда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатга айланади.

Ҳаракат турлари бўйича уч турга: ҳаракат кўникмалари, сенсор кўникмалар, ақлий кўникмаларга бўлинади. Кўникмалар мунтазам машқ қилиш (такрорлаш) орқали зарур даражада сақланади. Маълум вақт такрорламаслик кўникма даражасининг пасайишига олиб келади. Уни қайта машқлар бажариш, малака ошириш орқали тикланади.

Малака — шахснинг ўзи эгаллаган билимлари асосида маълум бир фаолиятни янги шароитдаги янги-

ликлар билан бирга, самарали бажариш қобилияти, шахснинг маълум касбга яроқлилик, тайёрлик даражаси, шу касбда ишлай олиши учун зарур билим, кўникмалари йиғиндиси. Касбий ахборотларнинг тез кўпайиб бораётгани илгари ўзлаштирилган малаканинг етишмаслигини келтириб чиқаради. Бу жараён узлуксиз давом этгандагина малака ортиб бориши орқали касбий фаолиятни ҳозирги талаблар даражасида давом эттириш имконияти ҳосил бўлади.

Мақол — халқ яратган ғоят ихчам, чуқур маъноли гаплар.

Мақсад — фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

Мақтов — фойдали иш қилган шахсни, жамоани оғзаки тақдирлаш.

Маҳорат — шахснинг тажриба орқали орттирган хусусияти. Бирор соҳадаги мослашувчан кўникма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларнинг юқори даражаси, касбий моҳирлик. Бирор фаолият соҳасидаги юқори даражада эгалланган билим, кўникма, малакаларни амалиётда юқори сифат ва самарадорлик билан қўллаш.

Муаммоли вазият — ҳаётдаги ёки ўқув вазияти бўлиб, у машаққат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

Одат — кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқиб, амалга оширадиган онгли фаолияти.

Педагогик жараён — таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

Педагогик жараён тамойиллари — педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг қонуниятларини очиб беради.

Педагогик маҳорат — педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С.Макаренко), педагогик жараённинг юқори самардорлигини таъминловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

Педагогик технология — «ишлаб чиқариш» натижаси «маҳсулоти» — маълум малакага эга бўлган мутахассис тайёрлаш учун илмий асосланган дидактик жараённи амалга ошириш, яъни ўқитиш жараёнини қўйилган мақсадга кўра изчил кетма-кетликда турли восита, методларни қўллаш орқали самарали таълим натижасига эришишнинг ишончлилигини таъминловчи, кафолатловчи педагогик фаолият.

Педагогик фаолият — таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Тарбия — 1. Болани боқиб ва таълим бериб катта қилиш, вояга етказиш учун қилинадиган меҳнат ва ғамхўрлик. 2. Иш-хунар, одоб-ахлоқ ўргатишга ва умуман кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими. 3. Парвариш, қаров:

1) тарбиялаб катта қилмоқ, вояга етказмоқ, ўстирмоқ, улғайтирмоқ;

2) илм-хунар бермоқ, одоб-ахлоқ ўргатмоқ, тарбиялаб бирор хислат-фазилатни сингдирмоқ; 3) парвариш қилмоқ.

Таълим — 1) шахснинг жисмоний ва маънавий

шаклланишининг ягона жараёни, ижтимоий эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада қайд қилинган, тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли йўналтирилган ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш ғоявий-ахлоқий, қадр, малака, кўникма, ахлоқ меъёрларига қаратилган жамият аъзоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустақил тизим; 3) ўқувчиларга назарий билимларни бериш асосида уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва дунёқарашларини тарбиялашга йўналтирилган жараён.

Таълим воситалари — таълим самарадорлигини таъминловчи объектив (дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув қуроллари, харита, диаграмма, плакат, расм, чизма, диопроектор, магнитофон, видеомагнитофон, ускуна, телевизор, радио, компьютер ва бошқалар) ва субъектив (ўқитувчининг нутқи, намунаси, муайян шахс ҳаёти ва фаолиятига оид мисоллар ва ҳоказолар) омиллар.

Таълим жараёни — тарбиячи ва болалар ўртасида ташкил этилувчи ҳамда илмий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Таълим мақсади — таълим беришдан (олишдан) кўзланган муддао.

Таълим мазмуни — 1) ўқитиш жараёнида эгаллаш лозим бўлган билим, кўникма, малакалар маъноси, ҳажми ва характери; 2) шахснинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш, дунёқараши, одоби, хулқи, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлик даражасини шакллантириш жараёнининг моҳияти.

Таълим тизими — ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида давлат тамойиллари асосида фаолият юритаётган барча турдаги ўқув-тарбия муассасалари мажмуи.

Тушунча — атроф-муҳитдаги ҳодисалар, предметларнинг муҳим хусусиятларини, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни билиш.

Тўла рационализм — одам фаолият юритиши учун атрофлича ахборотга эга ва ундан ўз фаолиятида фойдаланиб, максимум даражада натижага эришади, деб қараладиган йўналиш.

Фаолият — 1) онгли мақсадга кўра бошқариладиган кишининг ички (руҳий), ташқи (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитни кишилар томонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этиш.

Халқ педагогикаси ёки этнопедагогика — бу этник гуруҳлар миллат, халқнинг асрлар давомидаги тарихий ҳаёти давомида эришган эмпирик тажрибалари асосида болага таълим-тарбия бериш ҳақидаги фан.

Шахсий фазилат — шахс томонидан ўзининг ахлоқий, руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

Эътиқод — шахс амал қиладиган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив фаолияти.

Ўзлаштириш — тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил бўлиши.

Ўрганиш — ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўргатиш — ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини турли восита ва усулларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

Қизиқиш — шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналишининг онгли шакли, инсоннинг у ёки бу нарсага, ишга диққат-эътибор қаратиши, ихлос қўйиши, агар у бажарадиган иш бўлса, бажаришга астойдил киришиши, хуллас инсон эҳтиёжининг намоён бўлишини ўзига хос шакли бўлиб, у кишида ижобий ҳис-туйғу уйғотади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққийетининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи, 1997 йил 29 август // Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққийетининг пойдевори. —Т.: «Ўзбекистон», 1997. 4—9-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. —Т.: «Ўзбекистон», 1998. 68-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. // Баркамол авлод — Ўзбекистон келажакининг пойдевори. —Т.: «Ўзбекистон», 1997. 20—29-б.
4. «Соғлом авлод давлат дастури тўғрисида»: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2000 йил 15 февраль // Халқ сўзи. 2000, 16 февраль.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» // Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққийетининг пойдевори. —Т.: «Ўзбекистон», 1997. 46-б.
6. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисидаги Низом // Мактабгача тарбия. Т., 2000, 1-сон.
7. Асқархўжаева М. Боғчаларда ўзбек тилини ўрганиш: Болалар боғчалари тарбиячилари учун методик қўлланма. —Т.: «Ўқитувчи», 1994. -32-б.

8. Арушанова А.Г. Развитие речи дошкольника (грамматика). Методическое пособие для воспитателей. —М., 1997.

9. Анна Фрейд. Детский психоанализ. —СПб.: Питер, 2003. (Серия «Хрестоматия по психологии»).

10. Болалар боғчалари учун дастурлар: Теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, бадий адабиёт. // тузувчилар: З.Иброҳимова, М.Ғайбуллаева ва бошқалар. —Т.: ЎзПФТИ, 1992. 32-б.

11. Гербова В. Планирование работы по развитию речи и ознакомлению с художественной литературой // Дошкольное воспитание. 1999. №3. С. 19-22.

12. Жумабоев М. Болалар адабиёти. —Т., 1996.

13. Иминходжаева Х.Х., Гурман Т.О. Нетрадиционные формы и приёмы обучения узбекской разговорной речи детей русскоязычных групп детских садов // Узбекский, русский языки и литература в школе. - 1991. №5. С. 40—43.

14. Исмаилова Р. Идрок жараёни — етакчи омил: 6-7 ёшли болаларга тарбия // Бошланғич таълим. 1999. №3. 36—37-б.

15. Исмоилова М. Ноанъанавий иш услублари орқали болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш йўллари ахтаряпмиз: Тажриба минбари // Мактабгача тарбия. 1992. №2. 44—46-б.

16. Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси. —Т.: «Истиқлол», 2006.

17. Кадырова Р.М. Теория и методика развития речи (Текст лекций). —Т.: ЎзПФТИ, 2000.

18. Қодирова Р.М. Мактабгача катта ёшдаги болаларда диалогик нутқини ривожлантиришнинг

омиллари (Ўқув қўлланма). — Т.: ТДПУ, 2002.

19. Каменева Л.А., Матвеева А.К ва бошқалар. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни табиат билан таништириш // П.Г.Саморукова таҳрири остида. —Т.: «Ўқитувчи», 1984. 224-б.

20. Кудаш Т., Колымагина В., Гаврилова Т. Праздник правильной речи в детском саду // Дошкольное воспитание. 1991. №9. -С. 52–57.

21. Кудрина Г.Я. Зависимость пересказа текста от условий его восприятия в старшем дошкольном возрасте // Развитие речи дошкольника. —М., 1990. С. 77–92.

22. Люблинская А.А. Тарбиягача болаларнинг ривожланиши ҳақида. —Т.: «Ўқитувчи», 1997. 279-б.

23. Муродов М. Олтин сандиқ очилди. —Т.: «Ўқитувчи», 1994. 120-б.

24. Мухина В.С. Шестилетний ребенок в школе. —М.: «Просвещение», 1990. С. 177.

25. Николаева Э.И., Николаев И.С. Детям об Узбекистане. —Т.: «Ўқитувчи», 1985. С. 197.

26. Нурибекова Ё. Олти ёшли болаларда руҳий жиҳатлар // Бошланғич таълим. 1999. №3. -14–15- б.

27. Общение и речь: развитие речи у детей в общении со взрослыми // Под. ред. М.И.Лисиной. —М.: «Педагогика», 1985. С. 207.

28. Отавалиева Ў. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. —Т.: «Ўқитувчи», 1994. 72- б.

29. Очилов М. Ўқитиш усули — педагогик технологияларнинг асосий компоненти // Халқ таълими. 1999. №6. 32–35-б.

30. Подласый В.И. 100 саволга 100 жавоб. —М., 2004.

31. Подласый И.П. Педагогика: Новый курс: Учебник для студентов высш. учеб. заведения : В 2 кн. — М.: «Владос», 2003.

32. Психология. // Под ред. Е.И.Рогова. Учебное пособие для студентов ВУЗа. —М.: «Владос», 2005.

33. Развитие речи детей дошкольного возраста // Под ред. Ф.А.Сохина. —М.: «Просвещение», 1976. С. 224.

34. Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании. - М.: «Школа-Пресе», 1994. С. 205.

35. Сайидахмедов Я. Янги педагогик технология моҳияти // Халқ таълими. -1999. №1. 97—102-б.

36. Смольникова Н.Г., Ушакова О.С. Развитие структуры связного высказывания у детей старшего дошкольного возраста // Развитие речи дошкольника. —М., 1990. С. 92—106.

37. Субботский Е.В. Ребёнок открывает мир: Кн. для восп. дет. сада. —М.: «Просвещение», 1991. С. 205.

38. Толипов Ё. Тажриба-синов ишларини ўтказишда янги педагогик технологиялар // Халқ таълими. 1999. № 2-3. 63—68-б.

39. Тумакова Г.А. Ознакомление дошкольника со звучащим словом. Пособие для восп. дет. сада // Под ред. Ф.А.Сохина. —М.: «Просвещение», 1991. С. 127.

40. Умарова М. Болаларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш. Методик тавсиялар. —Т.: Nur-sehri oshiyoni, 2007. 67-б.

41. «Учинчи мингйилликнинг боласи» Таянч дастури // Тузувчилар: М.Расулова, Х.Аҳмедова,

М.Солиҳова ва бошқалар. –Т.: «Маърифат - мададкор», 2001.

42. Швайко Г.С. Игры и игровые упражнения для развития речи: Кн. для восп. дет. сада // Под ред. В.В.Гербовой. 2-е изд. -М.: «Просвещение», 1988. С. 63.

43. Экскурсия в природу с детьми дошкольного возраста // Под ред. М.Н.Скаткина. –М.: Изд-во АПН, 1987. С. 56.

44. Қўчқорова М. Мақсадга эришиш йўлида: Болалар ўйинлари орқали олган билимлар // Бошланғич таълим. -1999. №3. 30–31-б.

45. Ҳасанбоева О. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси. –Т.: «Ўқитувчи», 1996. 86-б.

46. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари. –Т.: Ф.Фулом номли нашриёт, 1996.

М У Н Д А Р И Ж А

| | | | |
|---|------------|---|-----|
| ✓ | КИРИШ..... | | 3 |
| ✓ | 1-500 | 1. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг илмий-педагогик шарт-шароитлари..... | 8 |
| ✓ | 1.1 | 2. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга оид назарий, ташкилий педагогик ва методик ишлар..... | 16 |
| ✓ | 2.1 | 3. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқ маданиятини ўсишида оиланинг ўрни..... | 25 |
| | | 4. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга оид машғулотларни режалаштириш ва ташкил этиш..... | 30 |
| | | 5. Теварак-атроф билан таништириш жараёнида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқини ўстириш усуллари. | 39 |
| | | 6. Боғча ёшидаги катта болаларнинг теварак-атрофни билишда нутқини ривожлантириш технологияси..... | 56 |
| | | Илова..... | 81 |
| | | Хулоса..... | 105 |
| | | Изоҳли луғат | 110 |
| | | Фойдаланилган адабиётлар..... | 117 |

СОДЕРЖАНИЕ

| | |
|---|-----|
| Введение | 3 |
| 1. Научно-педагогические условия развития речи детей дошкольного возраста..... | 8 |
| 2. Педагогические и методические основы развития речи детей дошкольного возраста | 16 |
| 3. Роль семьи в развитии культурного общения детей дошкольного возраста | 25 |
| 4. Планирование и организация занятий по развитию речи детей дошкольного возраста..... | 30 |
| 5. Способы развития речи детей дошкольного возраста в процессе ознакомления с окружающей средой | 39 |
| 6. Технология развития речи детей дошкольного возраста при ознакомлении с окружающей средой | 56 |
| Приложение | 81 |
| Заключение | 105 |
| Глоссарии..... | 110 |
| Использованные литературы | 117 |

БАБАЕВА ДОНО РАЗЗОҚОВНА

НУТҚ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Тошкент — «Fan va texnologiya» — 2009

Муҳаррир: М.Миркомиллов
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусахҳиҳ: М.Ҳайитова
Саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

Босишга рухсат этилди 29.09.2009 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси.
Офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 7,0.
Нашр босма табоғи 6,75. Тиражи 500.
Буюртма № 121.

«Fan va texnologiya Markazining bosmaxonasi» da chop
etiladi. 100003, Toshkent shahri,
Olmazor kuchi, 171-uy.



Бабасова Доно Раззоқовна — Педагогика
фанлари номзоди, доцент. 2001 йилдан буён
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университетининг умумий
педагогика кафедрасида ишлайди. Ўтган
йиллар мобайнида унинг бир қатор ўқув
қўлланмалари, монографиялари ва илмий
мақолалари нашр этилган.

ISBN 978-9943-10-244-6



9 789943 102446